Қишлоқ ҳақиқати

قیشلاق حقیقاتی

1993 йил 27 май
ПАЙШАНБА
№ 61 (5.503).
НАРХИ: ОБУНАЧИГА 3 СУМ, СОТУВДА 5 СУМ.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Президенти Ислом КАРИМОВ ва Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха РАОнинг мамлакатимиз ҳамда чет эл мухбирлари билан суҳбати

24 май куни Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао бошчилигидаги ҳукумат делегациясининг Ўзбекистонга расмий ташрифи якунлари хусусида мухбирлар билан суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбатни Президент Ислом Каримов бошлаб берди.

— Нарасимха Рао жаноби олийлари бошчилигидаги расмий делегация ташрифи ниҳоятда самарали бўлди, — деди Ўзбекистон раҳбари. — Учрашувлар, суҳбатлар, музокаралар якунида бешта муҳим ҳужжат имзоланди. Бу ҳужжатлар икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни янги босқичга кўтаради. Ҳамкорликнинг кўпгина соҳалари бўйича муҳим аҳдлашувларга эришдик.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти ана шу аҳдлашувлар хусусида тўхталди. Жумладан, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишувга мувофиқ, Ҳиндистон Ўзбекистонга 4 миллион рупий ҳажмида дори-дармон етказиб беради. Шу йилдан бошлаб Ҳиндистон Ўзбекистонлик талабаларни ўқитишга кенгроқ ўрин ажрата бошлайди. Тошкентдаги жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети билан яқиндан ҳамкорлик қилинади. Ўзбекистон телевидениеси Ҳиндистондан ҳафтасига бир ярим соатлик дастурни кўрсатиши учун барча жиҳозлар ва ускуналар билан таъминланади. Ҳинд халқи ҳаёти ва маданияти билан яқиндан танишиш имкони туғилади. Бундан ташқари, Тошкентда Ҳиндистон маданий-маърифий маркази очилади. Буларнинг ҳаммаси аждодларимиздан мерос қолган қадимий алоқаларни тиклаш ва мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамлар бўлади.

— Ўзаро музокаралар шуни кўрсатдики, — деди И. Каримов, — иқтисодий алоқаларимиз етарли даражада эмас. Буни иккала томон ҳам таъкидлади. Ҳиндистон ҳам, Ўзбекистон ҳам ҳамкорлик учун катта имкониятларга эга. Бизнинг муносабатларимиз икки халқнинг азалий дўстлик тўйғуларига асосланган. Мен Ҳиндистонга нисбатан Ўзбекистон кичик давлат деганимда, Нарасимха Рао жаноблари «у кичик бўлса ҳам, қалбимда катта жойни эгаллайди», деб айтди. Бу самимий сўзлар учун яна бир карра миннатдорлик билдираман. Бош вазир ва Ҳиндистон делегациясига, улар орқали улуғ ҳинд халқига бахт-саодат тилайман.

— Икки кун давомида Ўзбекистон ва унинг халқи ҳаёти билан яқиндан танишдик, — деди Нарасимха Рао. — Ислом Каримов билан икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ва минтақавий муаммоларни муҳокама қилдик. Халқларимиз ўртасида умумий жиҳатлар жуда кўп. Тарихимиз ва тақдиримизда туташ нуқталар ҳам анчагина. Жумҳурият янги жамият барпо этиш йўлида мураккаб ўтиш даврини бошдан кечираётганини биламиз. Биз ҳам шундай босқичдан ўтганмиз. Ҳиндистон бу борада Ўзбекистонга яқиндан ёрдам беради ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Икки дўст мамлакат муносабатлари минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, самимий ва санъатсеварлиги бизда катта таассурот қолдирди. Бу халқ ўз мақсадига эришишига ишончимиз комил. Биз Ислом Каримов билан икки йил олдин учрашган эдик. Аммо мулоқотларимизни яна давом эттириш учун Ўзбекистон Президентини Ҳиндистонга таклиф этдик. Таклифимиз қабул қилинганидан хурсандмиз.

Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао ва Ислом Каримов мухбирларнинг барча саволларига батафсил жавоб бердилар.

— Биз Тожикистондаги вазият, Ислом ақидапарастлигига муносабат масаласида тушган саволга Ўзбекистон раҳбари шундай жавоб берди:

— Биз Тожикистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга ҳисса қўшганлигимиздан беҳад мамнунмиз. Тожикистон чегараларини мустаҳкамлаш, унинг халқига моддий ва маънавий ёрдам беришга биринчилардан бўлиб киришдик. Афғонистонга мажбуран олиб кетилган Тожикистон фуқароларини ўз юртига қайтаришга БМТ билан ҳамкорликда ҳаракат қилмоқдамиз. Кўни кеча уларнинг биринчи гуруҳи Термизга етиб келди. Биз Ислом дини ва унинг маънавий қадриятларини ниҳоятда қадрлаймиз, аммо Ислом ақидапарастлигига ҳам, коммунистик ақидапарастликка ҳам мутлақо қаршимиз.

Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао ва Ислом Каримов мухбирларнинг барча саволларига батафсил жавоб бердилар.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

25 май куни республикамиз Президенти Ислом Каримов БМТ Бош котибининг Тожикистондаги шахсий вакили Исмат Китанини қабул қилди.

Суҳбат чоғида И. Каримов БМТнинг Тожикистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлади. Тожикистондаги вазиятни барқарорлаштириш нафақат минтақа аҳолиси, қолаверса, бутун жаҳон учун катта аҳамиятга эгадир.

Исмат Китани ўз навбатида Ислом Каримовнинг БМТ Бош котиби Бутрос Ғолийга Мурожаатидан сўнг халқаро ташкилотдан Тожикистонга вакил бўлиб келганини айтди. Ушбу республикадаги биродаркушлик урушини тўхтатиш ҳамда миллий мурасага эришишга кўмаклашиш ниятида эканини билдирди. БМТ вакили минтақадаги вазиятни барқарорлаштириш борасида Ўзбекистон раҳбари юритаётган сиёсатга, уруш ва табиий офатдан катта талофот кўрган Тожикистон аҳолисига ўзбек халқи кўрсатаётган ёрдамга юқори баҳо берди.

Қабул маросимида республикамиз Президентининг давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, ташқи ишлар вазири С. Сафоев иштирок этди.

(ЎзА).

Ислом КАРИМОВ:

«ҲАР ҚАНДАЙ МУХОЛИФ БИЛАН БАҲСЛАШМОҚҚА ТАЙЁРМАН...»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Труд» газетаси саволларига жавоблари

— Кўплар Ўзбекистон деганда ҳозир собиқ Иттифоқ ҳудудида жуда тансиқ бўлиб турган ижтимоий-сиёсий барқарорликни тушунади. Аммо бу барқарорлик нималар ҳисобига таъминланмоқда ва «кучли Президент қўли», «қаттиқ тартиб», таъбир жоиз бўлса, демократиянинг муайян чекланиши бу борада қандай ўрин олмоқда?

— Ҳа, бу, ҳақиқатан ҳам, энг муҳим саволдир. Ўзбекистонга қизиқиб қараётган барча кишилар шунга эътибор берадилар. Чет эллардаги, АҚШдаги бир қанча ижтимоиётчилар, сиёсатчилар иттифоқ барбод бўлгандан сўнг кўп минтақаларда ва, аввало Ўрта Осиё, Кавказ, Молдова каби жойларда миллий низолар, бошбошдоқлик, ўзаро кураш муқаррар, деб олдиндан башорат қилиб қўйганликларини эслатмоқчиман. Иттифоқ замонида содир бўлган ва бошқа жойлардаги фожиали қарама-қаршиликлар силсиласини «бошлаб» берган Фарғона воқеалари ҳам рўкач қилиб кўрсатилган эди. Ўшанда фактларгина эмас, айни вақтда бу фактларнинг матбуотда нохолисона талқин этилганига, 1989 йил 14 июнда ўша пайтдаги Бош вазир Рижков ва давлат хавфсизлик комитетининг раиси Чебриков иштирокида шоша-пиша ўтказилган «актив» деб аталмиш йиғинда чиқарилган биздаги «миллатчилик муаммолари»га оид пала-партиш хулосалар ҳам рўкач қилинган эди... Юқоридан ва «холис» Москвадан КПСС Марказий Комитети томонидан ўшанда мутлақо нохолисона фикрлар айтилган эди.

Энди биз бирмунча тажриба орттирдик ва миллий, ижтимоий муносабатлар хусусида бундай қатъий фикр ва мулоҳазаларни айтмаймиз. Бу ерда фақат мутаассиблар яшайди ва Ислом динининг ўзи мутаассибликдан иборат, деган ақидага асосланиши аввал бошданоқ ғирт ёлғондир. Олдиндан нотўғри хулоса чиқаришнинг илдизи шундаки, Москвада ўтириб олиб, Марказий Осиёдаги воқеаларга меншимай, юқоридан баҳо бериб бўлмайди. Бу халқнинг ўз анъаналари, ўз фазилатлари, ҳозир расм бўлган ибора билан айтганда, ўз менталитети, минг йиллик маданиятидан фахрланиш туйғуси бор. Шуни эсда тутгандагина бирон-бир баҳо бериш мумкин. Шу жумладан, ҳокимиятнинг ўрни, демократиянинг қарор топиши ҳақида ҳам гапириш мумкин. Халқимиз — жуда меҳмондўст, сабр-қаноатли халқ. Бу жиҳатдан, у жоиз бўлса, барча қийинчиликларга бардош берадиган русларга ўхшаб кетади. Ўзбеклар — бошқаларга жуда хайриҳоҳ. Сизга шуни эслатсам бўлади — Болтиқбўйида миллатчилик қучайган пайтда ва Кавказнинг кўпгина жойларида рус тилида гапиришни атайлаб ҳоҳламаганларида, Ўзбекистонда бундай бўлмади... Сизнинг саволингизга жавобан шуни таъкидламоқчиман: бизнинг иқтисодиёт, сиёсат соҳасида, ижтимоий соҳада, бозорга ўтишда қилаётган ҳамма ишларимиз атайлаб миллатлараро, ижтимоий тотувликни таъминлаш билан боғланди. Мен мана шу тотувлик учун, ижтимоий барқарорлик учун ҳамма ишни қилишга тайёрман.

— Мавжуд шароитда шу тотувликка эришиш йўлида сиз жамиятни демократиялаш жараёнларини бирмунча чеклашга тайёрсиз, деса бўладими?

— Бу — ҳам кўп учрайдиган савол. Баъзи гапларни такрорлашимга тўғри келади. Айрим жойларда бамисоли портлашдек тез содир бўладиган воқеалар бу ерда бошқачароқ баҳоланади. Назаримда, руслар каби бизнинг халқимиз ҳам «жазава билан даволаш», иқилобий ёки тўғрироғи сохта иқилобий ларзалар билан боғлиқ воқеаларни ёқтирмайди. Биз иқилобий сакрашларга қаршимиз, Аста-секин, синалган йўлдан бориш тарафдоримиз. Мен рақибларимга, танқид қилувчиларга шу ҳақда қайта-қайта гапирямман. Модомики, биз кимларнингдир андозасига «тушмаётган» бўлсак, бундан ривожланиш нотўғри йўлдан кетяпти, деган маъно чиқмайди. Бас, шундай экан, кимнингдир назарида Ўзбекистондаги қайсидир жараёнлар, ислоҳотлар секинроқ бораётгандек, инсон ҳуқуқлари бузилаётгандек туюлаётган бўлса, ҳар бир ҳолатда мавжуд вазиятни ва бизнинг хусусиятларимизни ҳисобга олиб, чуқурроқ мулоҳаза юритишни илтимос қилган бўлур эдим. Бизнинг юртимизда яшаб кўрган, халқнинг анъаналарини, турмуш тарзини, ахлоқий ва маънавий қадриятларини билган кишигина буни тушуниши мумкин.

Бизни танқид қилувчиларга такрор-такрор айтаман: бизнинг юртимизда ислоҳотлар давом этмоқда, демократик жараёнлар давом этмоқда. Биз албатта демократик ҳуқуқий жамият барпо этамиз. Аммо қандай босқичлардан ўтишимиз — бошқа масала. Бу масалани мен ҳар қандай мухолиф билан муҳокама қилишга тайёрман.

(Давоми 2-бетда).

САМАРАЛИ УСУЛ

Апрелнинг охирида бошланган ёғингарчилик май ойида тўхтаб-тўхтаб давом этди. Бу ҳолат деҳқонларнинг дала ишларини бир маромда олиб боришларига ҳалал берди. Лекин пуштага қадаган жамоаларда обн-ҳаво нинжикликлари унчалик таъсир этмаяпти. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги пахтачилик бошқармасининг бошлиғи Р. НАЗАРОВ шу хусусда қуйидагиларни гапириб берди.

— Бекобод районидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалигининг Рустам Эргашев бошлиқ бригадаси далаларида ёш ниҳоллар бир текис унганлиги, ҳар бири 3—4 та чинбарг чиқарганлиги кишини ҳайратда қолдиради. Чунки қўшни далаларда ҳали қатқалоқни юмшатиш, биринчи культивация тугалланган йўқ. Мазкур жамоа эса иккинчи ишловни ниҳоясига етказган, қатқалоқдан асар ҳам қолмаган. Бригадирнинг айтишича, иккинчи ишлов куни кеча тамомланган. Қатор оралари илк бор юмшатилгандан кейин биринчи ва иккинчи чинбарг чиқаётганда яганалаш ўтказилиб, ҳар метрда 11 тупдан қолдирилди. Бу тадбир тугар-тугамас азот ва фосфор солиб, иккинчи культивация бошланган. Муҳими, сурункали ёғингарчиликларга қарамасдан бирор гектар ерга қайта экилмаган. Гап шундаки, бригадада уруғ пуштага қадалган. Илгари кўп ёғин бўлганда далалар сувга тўлиб, ёш ниҳоллар унинг остида қолган, илдиз чириш бошланиб нобуд бўлган. Эндиликда ҳар қанча ёмғир бўлса-да сув жўяклардан оқиб чиқиб кетаверади, кўчатлар зарарланмайди. Бунинг устига пушта тупроғи тез қизиб, ниҳол яхши ўсади.

Бу усулнинг самарали эканлиги бошқа хўжаликларда ҳам тан олинмоқда. Жорий йилда «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги аъзолари барча майдонларга шу тариқа уруғ қададилар. Бундан ташқари райондаги Улуғбек номли жамоа хўжалигида қарийб 2,5 минг гектар ерга, «Далварзин» давлат хўжалигида ҳам барча пайкалларга шу усулда чигит экилди. Умуман Бекобод районида ғўза ўстиришга ажратилган 19 минг гектар майдоннинг салкам 6 минг гектарида мазкур усул қўлланилди. Аммо Бобур номли, «Бекобод», «Авангард» жамоа хўжаликларида у ёйилмаги.

Пойтахт вилоятининг Бўка, Пискент ва бошқа районларида ҳам пуштага чигит экиш синаб кўрилмаяпти. Ҳолбуки Наманган, Андижон, Қашқадарё вилоятлари, шунингдек Жарқўрғон, Шеробод, Ангор, Термиз районлари хўжаликларида жами майдонларнинг 50—60 фоизида шу усулда чигит қадалиб, пахта тайёрлаш режаси барвақт, ошириб бажарилмоқда.

Уст-устига ёғингарчилик, ҳавонинг паст келиши ғўза ривожига тўсқинлик қилмоқда. Шундай бўлса-да республикамиз деҳқонлари асосий эътиборни, тажриба ва маҳоратни пайкалларда дуркун ниҳоллар олишга қаратмоқдалар. Ҳозирга қадар бир ярим миллион гектар майдонда кўчатлар униб чиқди. Ўсимлик меъёрида ўсишини таъминлаш учун тупроқни тўхтовсиз юмшатиб туриш керак. Гарчи бунга ёғингарчилик халал бераётган бўлса-да Бухоро, Сурхондарё, Фарғона, Андижон вилоятларининг механизаторлари ишловни кучайтирмоқдалар. Улар ҳозиргача қатор ораларини бир ярим-икки марта юмшатиб чиқдилар. Иккинчисида минерал ўғитлар ҳам берилди. Бухоролик деҳқонлар дастлабки озиқлантиришни тугаллаб, иккинчи марта озуқа беришга ва учинчи культивацияга киришдилар. Бунинг самараси дарҳол кўзга ташланмоқда. Вилоятда 6 минг гектар майдондаги ғўза ниҳоллари 5—6 тадан, асосий пайкалларда эса 3—4 тадан чин барг чиқарган.

Парвариш ишлари Сурхондарё вилоятида ҳам жадал бормоқда. Бироқ айрим жойларда бунга етарли эътибор берилмаяпти. Сирдарё, Тошкент, Самарқанд, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикаси хўжаликларида ишлов бериш ва озиқлантириш сust бормоқда. Уларда бу тадбирлар барча экин майдонларининг 25—50 фоизида бажарилган. Ўсимлик бир-иккита чинбарг чиқарган.

Ғўза ўсиши кечикаётганлигининг яна бир сабаби, яганалашга эътибор етарли бўлмаётганлигидир. Маълумки, бу тадбирни иккита чинбарг чиққунга қадар тугаллаш керак. Агар яганалаш 5—6 кун кечикса ҳосилдорлик гектарига 3—5 центнер пасайиши тажрибада исботланган. Бу иш Бухоро, Сурхондарё, Андижон вилоятларида якунловчи босқичга кирди. Лекин Сирдарё, Самарқанд вилоятлари, Қорақалпоғистон республикаси, шунингдек Чиноз, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ районлари хўжаликларида муҳим ишга лоқайдлик билан қаралмоқда. Унутмаслик керакки, ҳар бир агротехник тадбир ўз вақтида, юқори сифатли ўтказилсагина ғўза ривожи тезлашиб, мўлжалдаги ҳосил тўпланиши мумкин.



Механизаторларнинг ҳозирги дала ишларида алоҳида ўрни бор. Буни қалбдан ҳис этган фидойи касб эгалари республикамизда кўплаб топилади. Улар ўзларининг бутун маҳорати, бой тажрибасини ишга солиб, табиат қийинчиликларини бартараф этмоқдалар. Мақсад кам маблағ сарфлаб, мўл ҳосил етиштириб, мустақил юртимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшиш. Арнасой районидаги Б. Файзиев номли давлат хўжалиги механизаторлари Истам Исроилов ҳам шу эзгу ниятда меҳнат қилмоқда. У кунига 5—6 гектар ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бераяпти.

СУРАТДА: моҳир механизатор Истам Исроилов.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

КУНДА БИР ЯШНАТИБ

Эрта тонг. Ҳали қуёш чиққанича йўқ. Қатор тизилган яшил ғўзалар япроқларида тонг жилваси ялтирайди. Ер бағирлаб вижирлаганича қалдирғочлар учиб юрибди.

— Қалдирғочлар кўпайишди, — деди механизатор Анваржон Одилов.

— Ҳа-я, — деб қувватлади бригадир Нозимжон Норимов, — энди ҳаво юришиб кетади. Қалдирғочлар иссиқ олиб келади, дейишади.

Анваржон трактори кабинасига чиқди ва культиваторларнинг ишчи панжаларини ғўза қатор ораларига туширди. Трактор олға интилди. Бригадир эса трактор юриб ўтган қатор ораларини кўздан кечирди. Ишлов сифатини аниқлади. Кўнгли тўлди шекилли, «боплайди, азамат!», деб қўйди ўзича...

Деҳқоннинг ҳар бир босган қадами, меҳнат билан ўтган ҳар бир лаҳзаси савобдан иборат, дейишади. Негаки, у ҳалол меҳнат билан яратган неъмати элни тўйдиради. Деҳқон бахтига яхши кунлар келди. Елкасига мустақиллик офтоби тегди, косаси оқара бошлади. Лекин ҳали қийинчиликлар бор, улар ўткинчи. Ҳали оғир кунлар унут бўлади. Нозимжон ҳам ана шу умид билан меҳнат қилаётир. У Олтиариқ туманидаги Навоий номли хўжаликнинг янги бригадирларидан. Илгари сувчи эди. Бу йил жамоага етакчилик қилиш чекига тушди. 90 гектар ери бор. Чигитни эрта экиб олишди. Биринчи ишловни, ўғитлашни ҳам якунлашди. Шунинг учун ғўзалар кунда бир яшнаб, кўзни қувонтирмоқда.

Бригадада ишлаш ва ҳордиқ чиқариш учун шароит етарли. Шийпон — файзли. 30 сотихча ер — токзор. Бу йил шийпон ёнига турли резаворлар ҳам экилди. Яна бир кўзни қувонтирарли манзара бор. Бригада шийпонига борувчи йўл ёқасида бир вақтлар собиқ ранс Карим Файзиматов эктирган ёнғоқ дарахтлари шиғил ҳосил тугди...

Ғўза қатор ораларида трактор гуриллайди. Кўкда қуёш чарақлаб турибди. Унинг заррин ва иссиқ нурини чарх уриб учиб юрган қалдирғочлар яшил ғўзалар устига сочаётгандек...

М. ЖУРАБОЕВ,

ХИРМОН ТЎЛМОҚДА

Усмон Юсупов тумани хўжаликларида пилла топшириш қизғин тус олди. «Миришкор» давлат хўжалигидан Сайёра Отаева, Гулнора Турсунова, Мавлуда Ниёзова, Момохол Ҳамроева, «Жинов» давлат хўжалигидан Шохсанам Бердиева, Мунба Мирзаева каби пиллакорлар ҳар кути қурт уруғидан 60—70 килограммдан қумуш тола олдилар.

Туман пиллакорлари давлатга 16 тонна қимматбаҳо хомашё етказиб бериш мақсадида ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

МЕХАНИЗАТОРЛАР ҒАЙРАТИ

Асака районидаги хўжаликларида дала ишлари қун сайин авжига чиқаяпти. Ғўза, беда, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари парвариши уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Улардан мўл ҳосил етиштириш бугунги ишларга боғлиқ. Экинлар парваришида айниқса механизаторлар деҳқонларга камарбаста бўлмоқдалар. Район бўйича 182 та чопиқ трактори ишлатилмоқда. Беда ўримида эса 36 та механизм қатнашмоқда.

Техника восталари тўхтовсиз, самарали ишлашда район таъмирлаш корхонаси ишчиларининг муносиб ҳиссалари бор. Бу ерда бир қанча зарур эҳтиёт қисмлар тайёрланмоқда.

— Қўшни Қозоғистоннинг Толдиқўрғон вилоятидан шартнома асосида аккумуляторлар олиб келдик, — дейди корхона раҳбари Рустамжон Аҳмедов. — Ҳадемай уларни хўжаликларга етказиб берамиз. Техника хизмати кўрсатиш ишларини яхшилашда Одилжон Султонов, Зокиржон Йўлдошев, Кимсанбой Қосимов каби ходимларимиз ғайрат кўрсатишмоқда.

М. ЖОНУЗОҚОВ.

Ислом КАРИМОВ:

«ҲАР ҚАНДАЙ МУХОЛИФ БИЛАН БАҲСЛАШМОҚҚА ТАЙЁРМАН...»

(Давоми. Бошн 1-бетда).

Биз Конституция қабул қилдик, энг синчков мутахассислар — Франция, Америка мутахассислари, БМТ, ЕХҲК вакиллари уни бошдан оёқ ўрганиб чиқишди. Улардан ҳеч бири умум қабул этган демократик меъёрларга мувофиқ келмайдиган, андаккина бўлсада, нуқсонни тополмади. Конституция — бизнинг буюк ютуғимиз. Олдимизга қўйган мақсадимизга, албатта, эришамиз. Конституцияда белгилаб қўйилган барча ишлар ҳозирнинг ўзидаёқ турмушда рўёбга чиқмоқда, деб бўлмайди. Бизни танқид қилувчиларга ҳам шу гапни айтаман. Биз жаҳон ҳамжамиятига тўла ҳуқуқ билан кириши хоҳлаймиз. Аммо шуни айтиб қўймоқчиманки, биз бу ҳамжамиятга ўз йўлимиз билан кирамиз. Баённомалар амалда синовдан ўтади. Барча миллатларга мансуб одамларимиз билан гаплашиб кўринг, уларнинг фикрини билинг. Дарвоқе, демократия деганда шуни ҳам эслатмоқчиман: 1991 йилда сайловчиларнинг 86 фоизи мен учун овоз берди. Бизда Президент муқобиллик асосида сайланди, ғарб эса сайлов муқобиллик асосида ўтмаган ва раҳбарлар сайловчиларнинг 98—99 фоиз овозини олган қўшниларимизни ҳадеб мақтамоқда. Биздаги русийзабон аҳолининг 99 фоизи мен учун овоз бергани диққатга сазовордир...

— Сиз айтганингиздек, Конституция — қайсидир даражада «келажакнинг тимсолн». Цензура ҳақидаги нозик масалани четлаб ўтиб бўлмайди....

— «Четлаб ўтиш» керак ҳам эмас. Менинг бу масаладаги фикрим мана бундай. Ҳар қандай нашр одамларнинг муайян гуруҳи хоҳиш-иродасини ифодалайди. Мен бунга қарши эмасман. Бироқ, газетчилар учун, чамаси, унчалик ёқмайдиган бир савол: У ёки бу газета кимнинг ҳисобига яшайди? Хоҳлаймизми, йўқми, мутлақо мустақил газета бўлмайди. Бу борадаги фикримни ҳеч ким ўзгартиролмайди. Матбуотга муносабат хусусида кўпданоқ менга танқид «тиғини тўғрилаб» келишмоқда. Аммо мен ҳар қандай «мустақил» нашрнинг вакиллари билан юзма-юз ўтириб, боя айтган фикримни исботлаб беришга тайёрман. Бундан чиқадиган хулоса шу: Модомики, газета бирон-бир муайян сиёсий кучнинг ифодачиси экан, марҳамат қилиб, маблағ топинг-да, нашр этаверинг. Аммо. айтайлик, газета хориждаги бирор бир нomaълум манбадан озиқланаётган бўлса, табиийки, уни боқаётган кишиларнинг хоҳиш-иродасини ифодалайди. Бизда газеталар кўп. Сўнгги ярим йилда 10 тача янги газета пайдо бўлди, рус тилида ҳам бир талай нашрлар чиқяпти. Сиз ҳам Ўзбекистондаги журналистлар «қисув остида» ишламоқда, деган тасаввурга мойил эканингизни тушуниб турибман. Москвадагиларнинг назарида, гўё Ўзбекистонда сўз эркинлиги йўқ. Аслида бундай эмас. Москва нашрларининг саҳифаларида ёзилаётган гапларни ҳам тўкис, деб бўлмайди. Айтайлик, бугун демократлар «День» газетасига ҳуруж қилмоқдалар. Бу газета баодоб жамиятда қилиш мумкин бўлмаган кўп ишларни ўзига эп кўрмоқда. Аммо мен «Кремль», «Столица» каби нашрларга, ҳатто, назаримда, унчалик мустақил бўлмаган «Независимая газета»га ҳам эътирозлар айтишим мумкин. Бу газета ўз андозасига мос келмаганларни ҳеч далил-исботсиз ёппасига фош қилмоқчи бўлади. Мен ҳам унинг андозасига мос келмаслигимни биламан...

— Сиз Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш ҳаракатидаги хусусиятлар ҳақида тез-тез гапирасиз. Хўш бу хусусиятлар нимадан иборат?

— Биз бозорга ўтиш соҳасидаги ўз йўлимиз ҳақида гапирганимизда халқнинг анъаналарини ҳам, ишбилармонлик, бозор ҳақидаги ўз тушунчамизни ҳам назарда тутамиз. Энг муҳим масала — бозор муносабатларига ўтишнинг илк қоидаси ҳақида гапирмоқчиман. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги таъминланиши керак. Жамиятнинг ҳаддан ортиқ сиёсийлашуви иқтисодиётга зиён етказади. Назаримда, Россия сиёсатдан кўра, иқтисодиёт билан камроқ шуғулланмоқда. Агар одамларнинг қорнини тўйғазиб қўймасангиз, ҳеч бўлмаганда, энг зарур «истеъмол халтаси»ни таъминламасангиз, уларни ҳеч нарсага ишонтириб бўлмайди. Ўзбекларда: «Аввал таом, сўнгра калом» деган гап бор. «Труд»нинг рус газетхонлари ҳам бу гапга қўшилсалар керак... Энг муҳими — иқтисодиётни мафкурадан ҳалос қилиш лозим. Биз сиёсий жиҳатдан жамиятнинг қиёфаси қандай бўлишиҳ нақадар хоҳламайлик, иқтисодиёт мустақил бўлиши керак. Менинг фикрим мана шундай.

Иккинчиси. Ўтиш даврида давлат жиловни қўлдан чиқармаслиги керак. Биз Германиядаги, бошқа мамлакатлардаги каби бозорни йўлга қўйганимиздан кейин (биз уларнинг тажрибасини ўрганяпмиз) давлат иқтисодий жараёнларга аралашмайди, албатта. Бу жараёнлар ҳамма жойда ҳам талаб ва таклиф қоидасига биноан кечади. Бироқ бу мамлакатларда ҳам давлат сектори анчагина ўрин олади, бу сектор муайян устун мақсадларни амалга оширади. Шу сабабли биз, башарти ўтиш даврида жиловни қўлдан чиқариб юборсак, устун мақсадларни, аввало, тик йўналиш бўйлаб бошқаришни бой бериб қўямиз, ўтиш дастурини (агар шундай дастур мавжуд бўлса) рўёбга чиқаришдаги изчиллик издан чиқади. Бундай шароитда ақл-идрок ва мантиққа, энг муҳими давлат, миллат ҳимоя қилинишига умид боғлаш қийин.

Сўнгра. Биз ислоҳотлар босқичма-босқич, изчил бўлиши тарафдоримиз. Бошбошдоқлиққа, ҳамма нарсани бутунлай вайрон қилишга йўл қўйиб, вайроналар устида янги жамият қуриб бўлмайди. Масалан, ҳозир давлат мулки бўлиб турган катта-катта бойликларни арзимас пулга қандай сотиб юбориш мумкин? Бутун бошли заводни 10—20 миллион сўмга сотиб бўладими, ахир. Ҳозир бу пулнинг ҳеч бир қадри йўқ-ку. Бу иш, сизларнинг иборангиз билан айтганда, ҳеч бир қуйиш-қонга сиғмайди... Бундан кузатилган мақсад — давлат мулкини тезроқ тугатиб юбориштан иборат.

— Хўш, Сиз бу мулкнинг ҳимоячисимисиз?

— Авф этасизу, аввал нималар давлат бошқарувида қолиши кераклиги белгилаб олинса, хусусийлаштириб бўлмайдиган иншоотлар, устун соҳалар, хусусийлаштиришнинг изчиллиги аниқлаб қўйилса, ёмон бўлмасди. Хуллас, бу ислоҳотнинг ҳуқуқий, қонуний масалалари ҳали ҳал қилинмаган, кўмакчи соҳалар яратилмаган, мутахассислар билан таъминланмаган экан, биз молмулкни кимнинг қўлига топшираётганимиз аниқ эмас. Дарвоқе, бизнинг Конституциямизда хусусий мулк тенг ҳуқуқлигина бўлиб қолмай, давлат томонидан ҳимоя ҳам қилинади, деб ёзиб қўйилган. Аммо мол-мулк кимнинг қўлига топширилаётганини билишимиз керак.

Биз ўтиш даврининг бошқа қоидаларига, чунончи, қонунларга қатъий риоя қилинишига, одамларни қонунга риоя этиш руҳида тарбиялашга ҳам амал қиляпмиз; давлат аҳолининг энг ночор табақалари — талабалар, болалар, кўп болали оилаларни ҳимоя этиш учун зарур бўлган ҳамма ишни қилянти. Бунинг учун дастурлар ишлаб чиқилмоқда ва ўзини оқлаган дастурлар амалга оширилмоқда. Яна бир гап — бозорга «урйиқит» йўлидан бориб бўлмайди. Янги уй қуриш ҳақида ўйлаб кўрмай, эскисини бузиш ярамайди.

Ислоҳотларда жуда кўп нарса одамларнинг руҳиятига, тафаккурига, янги қадриятларни англаб олишга, меҳнатга янгича муносабатга, меҳнатга қизиқтирувчи омилларга боғлиқ эканига ишончим комил. Ўзим амалий иқтисодиёт чиғириқларидан ўтганим учун ҳам бу гапни қатъий айтяпман.

— Барчамиз, анчадан буён, раҳбарларнинг ваъдалари тез орада рўёбга чиқади, яхшилик сари сезилларли ўзгаришлар бошланади, деган умидда яшаб келяпмиз. «Ижтимоий кескинлик» бошланмаслигига қандай кафолат бор?

— Сиз «ижтимоий кескинлик» иборасини тилга олдингиз. Мен буни кенг маънода тушунаман. Биз кескинликка йўл қўймаслик учун кучли ижтимоий сиёсат юритишимиз керак. Аввало, фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш борасида аниқ ишлар қилиш лозим. Биз 1989 йил июлидан бери таъминлаб келаётган барқарорлик эса бунинг кафолатидир. Ўшанда, 1989 йилда даҳшатли давр эди. Ўша пайтда биз қилган биринчи иш шу бўлдики, одамларга ер бера бошладик. Мен жаноб Горбачевнинг давлат кенгаши мажлисидаги сўзларини эслайман... Унга тан бериш керак, гапиришни билади, аммо бошлаган нутқини нима билан тугатишини ҳамиша ҳам тушуниб бўлмайди. Мана бунга қаранглар, деган эди у мени кўрсатиб, ҳозир унинг боши шуҳратга чулғаниб турибди, у ер бера бошлади, энди уни илоҳийлаштиришади...

Фарғона воқеалари содир бўлган пайтда одамларга ер бера бошламаганимизда, даҳшатли бўлур эди. Биз қатъий тартиб ўрнатдик — ерга муҳтож бўлган ва, албатта, деҳқончилик қўлидан келадиган, ердан мўл ҳосил ола биладиган ҳар бир кишига чорак гектар ер бердик. Колхоз-совхоз шароитида бу жараён енгил кўчмади. Муайян тарзда тазйиқ ўтказмасам бўлмасди. Бу ҳам бизнинг ўзимизга хос хусусият. Бизнинг минтақамизда раҳбарнинг ўрнини тушунмоқ керак. Бу масалада мен дангал иш қилдим. Одамларга ер тақсимлаб бериш ҳақидаги фармоннинг бажарилишини таъминламаганларни ишдан олдим. Бунинг учун қанчадан-қанча асаббузарликлар бўлганини тасаввур қилсангиз эди. Ўтиш даврида белгиланган йўлни рўёбга чиқаришда қатъийлик, қоларверса қаттиққўллик керак эди. Шу сабабли Россия ҳақида гап борганда, мен бази жойларда парламент демократияси деб аталадиган қандайдир дудмал тушунчанинг эмас, балки кучли ижроия ҳокимият тарафдориман. Ўтиш даврида дудмаллиқни йўл қўйиб бўлмайдиган иллат, деб ҳисоблайман. Биз бир тизумдан иккинчисига ўтаётганимизда, янги иқтисодиётни барпо этаётганимизда, бунинг устига, одамларнинг руҳиятини ўзгартириш, муайян тоифа кишиларнинг манфаатларига қарши бориш керак бўлганида, ҳамма масалани 700—800 киши иштирокида қандай қилиб муҳокама этиб бўлади? Бундай қилиш нималаларга олиб боради? Биз тақсимлаб берган ер ҳақида яна гапирадиган бўлсак, ўша ерлар ҳозир мева-сабзавотнинг 60 фоизигача бўлган қисмини бераётганини таъкидлаб ўтмоқчиман.

— Сиз Россия фуқароси бўлганингизда 25 апрелдаги референдумда қандай овоз берган бўлар эдингиз? Унинг натижалари ҳақидаги фикрингиз қандай?

— Эҳтимол, сиз фикримга қўшилмассиз, аммо мен референдумга қаршиман. Чунки у одамларни бўлиб юборади. Модомики, Ельцинни халқ сайлаб қўйган экан, унга Президентлигининг қонунийлигини яна бир бор тасдиқлатиш нечун зарур бўлиб қолди? Агар мен Россия фуқароси бўлганимда, бу масалани қатъий қилиб қўяр эдим. Мен Президентман. Мени халқ сайлаган. Кимгадир менинг ислоҳотларим ёқмаса ёқмас, аммо мени муайян бир муддатга сайлашган, шу ислоҳотларни охирига етказишимга қўйиб беринглар... Референдум натижалари шу фикрнинг тўғрилигини яққол тасдиқлади. Бу машмаша қимматга тушди. Аммо муҳими шуки, ҳозир иккала томоннинг бир фикрга келиш муддаоси сезилмаяпти. Бир вақтлар халқ «оқлар» ва «қизиллар»га бўлингандек, қаршима-қаршилик, бўлиниш баттар кучайиши мумкин. Россия Хитойга ўхшаслигини, у ердаги одамларнинг 97 фоизи бир миллатга мансуб эканини унутмаслик керак. Россия 21 та республикани бирлаштирувчи давлатдир, шу республикалардан ҳар бирининг ўз манфаатлари бор. Доимо; бу ҳол кўприкларни бузиб юборадиган силкинишга олиб бормайдими?— деб ўйлашга тўғри келади. Бинобарин, сизнинг саволингизга аниқ-равшан жавоб шу: бундай қилиш керак эмасди. Модомики, шундай бўлган экан, Россиянинг тотувликка эришишдан бошқа йўли йўқлигига аминман. Сизлар конституциявий танглик деб атаётган тангликдан тезроқ чиқиб олиш бош масаладир.

— Баъзан: агар Каримов бўлмаганида руслар Ўзбекистондан қочган бўлар эди, деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Миллатлараро мувозанатни сақлаб турадиган қандайдир восита борми?

— Мен руслар, беларуслар, украиннлар билан суҳбатлашганимда (бизда русийзабон аҳоли вакиллари кўпчиликни ташкил этувчи жуда катта корхоналар бор), одамлар тотувликда яшаётган бўлса-да, кўнглида ҳадиқ борлигини пайқаб қоламан. Буни тан оламан. Негаки улар фақат Ўзбекистондаги эмас, МДҲдаги воқеаларни ҳам кузатиб туришибди. Мен уларга: сизлар ҳам Ўзбекистондаги юздан зиёд бошқа элат кишилари каби, улар билан теппа-тенг фуқаролармиз, деган битта гапни уқтираман. Агар миллатчилик кайфиятлари, қисувга олиш йўлидаги уринишлар содир бўлса, ўша ерга бориб улар билан ёнма-ён тураман. Мен барчани қандайдир маъмурий чоралар билан ҳимоя қила олмайман. Бизда Конституция қабул қилинган, фуқаролик ҳақидаги демократик қонунлар қабул этилган, келинглар, уларни амалга оширайлик. Келинглар, агар керак бўлса, бунга тўсқинлик қиладиган кишиларга танбеҳ бериб қўяйлик. Бу — нозик ва қалтис масала, аммо одамлар менга ишонаётган экан, бу зиммамга жуда катта масъулият юклайди.

— МДҲнинг «саломатлиги»га, ҳамдўстлик истиқболига сиз қандай қарайсиз?

— Ҳаёт қийинчиликлардан иборат. Ҳаётнинг ўзи бизга сабоқ беради. Мустақиллик билан боғлиқ кўтаринкилик ҳамма республикаларга хос эди. Иқтисодий мустақилликка эришишдан кўра, сиёсий мустақилликни қўлга киритиш осонроқ. Шу сабабли кўтаринкилик, жумладан Болтиқбўйидаги кўтаринкилик ҳам сўниб бормоқда. Кўпчиликни ўз юртида қандай қилиб «Швейцарияни барпо этиш» масаласи эмас, балки пештахталарни нима билан тўлдириш, нарх-навони қандай қилиб жиловлаб туришга доир саволлар «тинчлик бермай қўйди». Иқтисодиёт билан ҳазиллашиб бўлмайди. Ўнлаб йиллар давомида таркиб топган алоқаларни узиб ташлаш, жонли ришталарни кесиб юбориш мумкин эмас. Буни энди ҳамма республикаларда тушуниб етишди. Иқтисодий жиҳатдан энг муҳими узилган алоқаларни тезроқ тиклашдир. Бутун халқлар бизга кўз тикиб турибди. Уларнинг орзу-умидларини пучга чиқаришга ҳаққимиз йўқ.

— Республикангиз 1991 йил августида мустақилликни қўлга киритди-ю, нималардан маҳрум бўлди? Шу ҳақда қисқача сўзлаб берсангиз.

— Ҳаммаси иттифоқ негизида конфедерация тузишга қараб кетаётган эди. Ларзаларсиз, эволюцион йўл билан, маърифий тарзда конфедерацияга қараб бораётган эдик. ГКЧП ҳаммасини барбод қилди, вайрон этувчи жараёнларни бошлаб берди. Биз август воқеалари бўлиши учун ҳаракат қилганимиз йўқ. Беловеж ўрмонида нималар бўлганини ўзингиз биласиз. Қизиқкон одамлар «Славян иттифоқи»га муқобил равишда «Мусулмонлар иттифоқи»ни тузишни таклиф этишди. МДҲ ҳаммамизга воқеалар ривожининг Югославия йўлидан ҳоли бўлишимизга ёрдам берди. Ҳатто ҳозиргача ҳамдўстликнинг унча мустаҳкам бўлмаган алоқалари меъёрий муносабатларга қўмаклашмоқда. Ўзбекистон мустақил бўлиши керак ва бунга ҳаққи бор, лекин, аввало, Россия билан маънавий ва бошқа алоқаларини сира узмаслиги лозим. Чунки Россия ўзбек халқининг, умуман ҳар қандай бошқа халқларнинг ҳаётида жуда катта ўрин тутган. Мен бу гапларим билан обрў орттиришни ўйлаётганим йўқ.

— «Ўзбеклар иши» деб аталмиш ишнинг оқибатлари қандай? Уни ниҳоясига етган дейиш мумкинми?

— Халққа етказилган маънавий, ахлоқий жароҳат сира унутилмайди. Мен фақат ўзбекларни эмас, барча ўзбекистонликларни кўзда тутаяпман. Ўзбекистон тажриба майдонига айланган эди. Ер ерда бошқаларга ўрнак бўлсин учун республиканинг «таъзирини бериб қўйишга» ҳаракат қилишди. Порага учиш ва порахўрлик бўлган — мен буни рад этмайман, лекин ўзингиз айтинг, қаерда порахўрлик бўлмаган? СССРнинг қоқ марказида, Москвада порахўрлик бошқа жойлардагидан кам бўлмаган. Халқни айблаш мумкин эмаску, ахир. 25 мингта жиноий иш қўзғатилган эди. Депутатларни, меҳнат қаҳрамонларини вертолётларда, итлар билан бориб кечалари қамоққа олишарди. Бундай жароҳатни вақтгина даволаши мумкин. Бутун халққа қарши қаратилган бу сиёсатнинг бош айбдорлари четда қолиб кетганидан афсусланаман.

— Лекин бу бошқа томонга оғиб кетишга, хусусан Шароф Рашидовни «оқлашга» олиб бормайдими?

— Рашидов тўғрисида гапирадиган бўлсак, мен сизга очиғини айтаман. Биз олдин Рашидовни кўкларга кўтариб мақтаб, кейинчалик уни ёмон отлиққа чиқариб, ким амалга эришганини, собиқ СССРда ҳокимиятнинг юқори поғоналарига кўтарила олганини биламиз. Ҳеч бир халқ орасида марҳумларни ёмонлаб гапириш одат эмас. Чорак аср давомида республикани бошқариб, ўз юрти учун кўп иш қилган кишини далил-исботларсиз ёмонлаш мумкин эмас. Биз янги жамиятни қурар эканмиз, оталаримиз бунёд этган қадриятларни оёқости қилмаймиз.

— Халқ демократик партияси ранси лавозими сизга ҳалақит бермаяптими? Чунки сиз ҳаммани бирлаштиришингиз лозим, партия эса номини ўзгартиргани билан, эски белгиларни, якка ҳукмронлик қилиш психологиясини сақлаб қолмаслиги мумкин эмас.

— Шуни айтмоқчиманки, бирор раҳбар ҳам сиёсий кучга таянмай ишлай олмайди. Мен партиявий ишлар билан шуғулланмайман. Ўзбекистон халқ демократик партияси раислиги деярли фахрли лавозим. Бу лавозимнинг менга оғирлиги тушаётгани йўқ.

— Ислом Каримовнинг исломга, умуман динга муносабати қандай?

— Биз ҳеч нарсага ишонмайдиган, ҳамма нарсани вайрон қиладиган ва нодон даҳрийлик муҳитида дин қадриятларини билмай тарбияланганмиз. Менинг тушунишимча, ислом демократик дин бўлиб, сабр-бардошли бўлишни, маънавийликни, инсонга муҳаббатни, софликни тарғиб қилади. Тақводор киши муайян ахлоқий чегаралардан ташқарига чиқмайди. Хуллас, дин барча миллатлардаги ҳар бир инсон учун муқаддас қадриятдир. Шу жиҳатдан қараганда, ислом, агар уни бузиб талқин этишмаса, оддий, тушунарли диндир.

Муайян сиёсий оқимлар эса муқаддас қадриятлардан сиёсий мақсадларда фойдаланишни хоҳламоқдалар. Бизга диний ақидапарастлик ҳам, коммунистик ақидапарастлик ҳам мақбул эмас. Саудия Арабистонига борганимда муқаддас жойларни зиёрат қилдим, мен учун муқаддас бўлган маънавий қадриятлардан келиб чиқиб, соф виждон билан зиёрат қилдим. Буюк шоиримиз ва мутафаккиримиз Аҳмад Яссавий айтганидек, ҳеч нарсага ишонмайдиган одам ҳайвонсифатдир. Ҳар бир кишининг ўз илдизлари бўлиши керак, у нимага ишониши, ниманидир ўз ҳаётининг мазмуни деб билиши лозим. Менинг тушунишимча, Оллоҳ ягона. Ҳар бир дин уни ўзича кўради ва талқин қилади.

— Ўзингиз билан баҳслашувчиларга сабр-бардошлимисиз? Чунки қўлида ҳокимият бўлган одам ўзини ҳамиша ҳақ деб билади, унинг оғзига қараб туришади. Каримовга маърифий мухолифат зарурми?

— Қийин савол. Бу саволнинг тагида нималар ётганлигини биламан. Аслида мен «илмоқли» гапирадиганларни тезда пайқаб оламан, айни пайтда бундай гаплар менга оғир ботади. Яқинда сессияда сўзлаган нутқимда мени доҳийга айлантиришга урингаларингиз етар, менга ҳам, ўзингизга ҳам зарар етказманг. Мен ақлли, кучли одамлардан чўчимайман, биз бирга бўлишимизни истайман, деб очиғини айтдим. Балки мен муболаға қилаётирман, лекин атрофимда кучли одамлар қанча кўп бўлса, ўзимни шунча дадил сезаман. Баҳслашиш, ўз нуқтаи назарини айтиш — яхши, амалий баҳсларда ўзимнинг ҳақ эканлигимни исботлаб бериш мен учун ҳам қизиқарли. Лекин ён дафтарчасини ва ручкасини чиқариб, ҳар бир сўзингни хатлай бошласа, — бунинг хурсанд бўладиган жойи йўқ. Очиғини айтаман, мен қаттиққўл одамман, аммо ишонарли ва далил-исботи билан эътироз билдиришса, бундай одамларни ҳурмат қиламан.

Энди муҳолифат хусусидаги саволингиз тўғрисида. Сизда ҳам бу хусусда ўз фикрингиз борлигини сезиб турибман. Назаримда, муҳолифат амалий тусда бўлиши керак. Шу жиҳатдан қараганда, республикамизда рўйхатга олинган партиялар ва ҳаракатлар ишлаб турибди, улар самарали ишламоқда. Мухолифлик умуман ҳокимият устида турган кишига нисбатан эмас, балки у амалга ошираётган, рўёбга чиқариш учун курашаётган ишга, ғояларга нисбатан бўлиши керак. Агар кимда муқобил ғоя бор экан, агар у бирор масаланинг бошқа тўғри ечими борлигини исботлаб беролса, мен буни, албатта қабул қиламан.

Москва матбуоти биздаги мухолифат тўғрисида кўп ёзаётган бўлса ҳам, Ўзбекистонда бундай мухолифат йўқ. Уларнинг таклифлари йўқ. Шунга эътиборингизни қаратмоқчиман. Уларнинг ижобий таклифлари йўқ. Улар ҳеч нарсага ишонмайдиган кишилар — асосан ҳамма нарсани рад этишади. Бундай усул осонроқ, қулайроқ ва шу йўл билан арзон обрў орттириш ҳам мумкин. Мен сизга айтсам, мухолифат зарур бўлса, уни сунъий равишда вужудга келтириш мумкин.

— Президентнинг бўш вақти, ўзингизни оддий инсон, бахтли инсон сифатида ҳис этадиган фурсатингиз борми?

— Биласизми, ўзимни бемалол тутишга, устимдаги юкни — ҳар куни зиммамда бўладиган улкан масъулиятни олиб ташлашга ҳамиша катта эҳтиёж бор. Мендан бошқа ҳеч ким ҳал қилмайдиган муаммолар ором бермайди. Ўз имкониятларимни мен сира бўрттираётганим йўқ, лекин мен мавқеимга кўра, ҳамма иш учун жавоб берадиган одамман. Бинобарин, ҳаммадан олдин энг муҳим масалаларни ҳал этиш учун жавобгарликни ўз зиммамга олишим мумкин.

— Президентдан унинг онласи мамнунми?

— Жуда мамнун бўлмаса керак, деб ўйлайман. Оилам учун кам вақт ажратаман. Лекин ҳамма нарсадан нолисам ҳам, оиламдан нолий олмайман. Оила хусусида омадим келган деб ўйлайман. Ҳар бир кишига, у ким бўлишидан қатъий назар, тақдир шундай мукофот беришини хоҳлардим. Бирор кишининг ҳаётда омади келмаса, аммо шундай оиласи бўлса, ҳар қандай ишни уддалай олади. Шундай оиланинг бўлиши жуда муҳим. Шу нуқтан назардан, рафиқам ҳам, болаларим ҳам, невараларим ҳам — худога шукур...

Шу билан бир вақтда кўнгилсизликлар, синовлар, маҳрумликлар бўлмаганида эди, турмуш бизга баъзан ҳадя этаётган қувончларни, ҳаёт қувончини, ғўзаллик, табиатга ошнолик завқини чинакам қадрламаган бўлар эдик.

— Ўзбекистон билан Россиянинг ўзаро муносабатларида нималар яхшиланишини хоҳлардингиз?

— Бу — алоҳида мавзу. Фақат шуни айтаманки, Россия биз учун сув ва ҳаводек зарур. Мен режалаштириш идораларида кўп йиллар ишлаганман. Ақлларимиз нақадар кенглигини биламан. Маънавий яқинлигимиз ҳам жуда муҳим. Россиянинг келажаги буюк. У азалдан буюк давлат бўлиб келган, тарих унинг ўрнини ана шундай белгилаб қўйган.

Суҳбатдошлар:
Александр ПОТАПОВ,
Валерий БИРЮКОВ.
(«Труд», 1993 йил 26 май).

ИЖТИМОИЙ ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ

Мустақил Ўзбекистонда тарихни ўқитишни такомиллаштириш, ҳуқуқий таълимни таъминлаш, сиёсатшуносликка доир ўқув дастурларининг мазмуни ҳамда уларни тағин ҳам мақбул тусга келтириш йўллари — олий ўқув юртларида ижтимоий фанларни ўқитишнинг ана шу ва бошқа долзарб масалалари Тошкентда очилган илмий-амалий конференцияда муҳокама қилинмоқда. Анжуманни республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги уюштирган, унда Ўзбекистондаги 50 тага яқин олий ўқув юртидан келган олимлар ва муаллимлар, шунингдек, бир қанча тармоқ вазирликларининг ходимлари қатнашмоқдалар.

Анжуманни Республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев кириш сўзи билан очди.

Мустақил Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун ҳар томонлама баркамол мутахассислар тайёрлашда ижтимоий фанларнинг муҳим аҳамияти маърузаларда ва нутқларда таъкидланди. Бу фанлар ёшларни ватанпарварлик руҳида, эстетик ва маънавий жиҳатдан тарбиялашда кўмаклашиши, халқнинг илмий ва маданий меъросига чуқур ҳурмат туйғуларини сингдириши лозим. Шу мақсадда олий ўқув юртларида ижтимоий фанларни ўқитишнинг махсус дастури ишлаб чиқилган.

Тошкент Автомобиль-йўллар институтида бу дастурни жорий этишда ижобий тажриба тўпланган, анжуман ҳам шу институтда ўтмоқда.

Тошкент Автомобиль-йўллар институти республикадаги олий ўқув юртларидан биринчи бўлиб АҚШ техника дорилфунунларидаги каби муҳандислик таълимига ижтимоий фанларни сингдириш факультетини очди. Шу туфайли талабалар биринчи босқичдан бешинчи босқичига қадар муҳандислик фанини ўзлаштириш билан бир вақтда, тарих, фалсафа, бошқа ижтимоий фанлар, жамиятшунослик фанларига доир билимларини чуқурлаштириш имкониятига эга бўлдилар.

(ЎзА мухбири).

Қайта ишлаш саноати

КАСБИ ТОЛАСИ

Ишчи-хизматчиларга маданий-маиший шароитлар яратиб бериш, уларнинг ойлик маошларини кўпайтириш, турмушини яхшилаш соҳасида Касби туманидаги Касби пахта тозалаш корхонасида амалга оширилаётган ишлар ибратлидир. Ўтган йили шу мақсадда 37 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Тўрт йил мобайнида эса корхона ишчилари яшайдиган қўрғонда 34 оилага мўлжалланган уйлар қурилиб, эгаларига топширилди. Бу уйларга ишлаб чиқаришда илғор, жамоат ишларида фаол иштирок этаётган ишчи-хизматчилар кўчиб кирдилар. Қўрғондаги барча хонадонлар газлаштирилган, ичимлик суви билан таъминланган. Яқинда янги чойхона биноси қуриб битказилди. Соғломлаштириш маркази ва дорихона ишчиларга намунали хизмат кўрсатаяпти. Табиб Норбой Усмонов беморларни самимий кутиб олади, турли муолажалар билан ёрдам кўрсатади. Корхона маъмурияти ишчиларнинг таътил пайтида соғликларини мустаҳкамлаш учун жумҳуриятимизнинг турли муолажагоҳларига бориб, саломатликларини тиклаб қайтишларида яқиндан кўмаклашмоқда. Шартномага асосан 1992 йили корхона ишчиларидан 30 киши Наманган вилоятидаги «Пахтачи» муолажагоҳида дам олиб келишди.

Ишчиларни ишга олиб келиш, олиб кетиш учун 3 та махсус автобус ажратилган. Дўконда ишчиларга тез-тез арзон нархда саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотилмоқда. Ота-оналар уйидан, фарзандларининг ҳаловатидан, иш жойларидан кўнгли тўқ. «Пахтаой» болалар боғчасида бир йўла 140 нафардан зиёд жажжи ўғил-қизлар тарбияланмоқда. Боғчада болалар тарбияси учун ҳамма шароитлар яратилган. Масалан, болалари 5 нафардан кўп бўлган ишчилар боғча ҳақи учун бирор сўм пул тўламайди. Қолганларидан эса 50 фоиз миқдорида олинади. Барча харажатлар корхона ҳисобидан қопланаяпти.

Усмон Юсупов номли мактаб намунали илм масканларидан. Синф хоналари яхши жиҳозланган, атрофлари озода, сифатли таъмирланган. Ҳовлисида ҳар хил гул кўчатлари ҳамда мевали ва манзарали дарахтлар парваришланмоқда. Корхона мактабга 150 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди.

Бундан роппа-роса 20 йил олдин барпо этилган Касби пахта тозалаш корхонасида замонавий асбоб-ускуналар билан мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, техника ва технологияни яхшилаш, тармоқларни малакали ишчилар билан таъминлаш каби масалалар ҳам четда қолгани йўқ. Айниқса ишлаб чиқаётган ипак пахта толасига талаб жуда катта. Уни Олмония, Япония, Хитой, Чехия ва Словакия ҳамда Туркия мамлакатлари сотиб олишмоқда. 1992 йилги мавсумда тайёрланган пахтадан 12.000 тонна сифатли тола ажратиб олиниб, ўз вақтида буюртмачиларга етказиб берилганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Ж. ЮСУПОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» жамоатчи мухбири.

МУАММОНИНГ ЕЧИМИ ТОПИЛДИ

Қизилтепа район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ишчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашнинг қатор чораларини кўрмоқда.

Бунинг учун ишбилармонлик жуда қўл келяпти. Аслида 12 турдаги маиший хизмат кўрсатилиши кўзда тутилган. Аммо юзга яқин хизмат тури мавжудлиги ишчиларни қисқартириш, эмас, балки янги ишчилар қабул қилишга имкон яратяпти.

Яқинда бошқармада асалари қутилари, конвейер усулда кўйлак, белбоғ, жойнамоз, халат, бахмал парда ишлаб чиқаришга киришилди. Бу эса корхонага катта иқтисодий фойда келтирмоқда. 1993 йилнинг дастлабки уч ойидаёқ режадаги 2 миллион 225 минг сўм ўрнига 3 миллион 600 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

— Биз иш ҳақини ошириш ҳамда ишчиларимиз турмуш фаровонлигини кўтариш мақсадида Ўртачўлдаги «Зарбдор» жамоа хўжалигидан 20 гектар ер олиб, чигит экдик, — дейди бошқарма бошлиғи Рустам Саломов.— Бир гектарга сабзавот-полиз экинлари уруғини қадаб, мўл ҳосил олиш ниятидамиз. Бу иқтисодий бирмунча мустаҳкамлашга, ишсизлик муаммосини бартараф этишда муҳим омил бўлади.

Б. ЭГАМОВ.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● «Юлдуз» кичик корхонаси ташкил этилганига тўрт ойгина бўлди. Аммо у шу қисқа фурсатда Шўрчидагина эмас, балки Сурхондарё вилоятининг бошқа туманларида ҳам танилди. Гап шундаки, корхонанинг қўли гул устаси Холбой Соатов бошлиқ цехда чуқурликдан сув тортиб оладиган ЭСВ-6, 8, 10, 12 моторлари таъмирланяпти. Илгарилари ишдан чиққан бундай моторлар бошқа жойларда кўп харажат эвазига тузатиб келинар эди. Хизматнинг шу турига эҳтиёж катталигини ҳисобга олган жамоа кичик ҳажмдаги электр моторларни ҳам таъмирлаш цехини очишга киришди.

● Косон туманидаги 52-давлат-хўжалигининг 150 хонадонида «зангори олов» ёна бошлади. Айни кунларда яна 250 хонадонга газ тушириляпти. Бу юмушларни «Қаршиир м о н т а ж» трестининг 28-қўшма қурилиш идораси ишчилари бажармоқда. Йил охирига қадар хўжаликнинг барча хонадонларига табиий газ ўтказилиши мўлжалланган.

Хўжаликнинг марказий қўрғони чучук сув билан ҳам таъминланди.

● «Қарши толаси» хўжаликлараро уюшмаси маъмурияти Қарши шаҳридаги «Мангулик» қабристони деворларини таъмирлаш учун хайрия тарзида 3 миллион сўм ажратди.

(ЎзА).

Тажриба, таҳлил, таклиф

ТАДБИРКОРГА ХАЗИНА

Тармоқ ишини йўлга қўйишнинг, зотдор моллар сонини жадал кўпайтиришнинг биринчи омили наслчиликка боғлиқ. Бу подадаги яхши ҳайвонларни маҳсулдорлигига қараб танлаш, жуфтлаш, улардан олинган наслни тўғри парваришлашдан иборатдир. Наслдор мол бош сони қанча тез ошса, маҳсулдорлик ҳам ортаверади, таннарх арзонлашади. Сабаби, маҳсулот бирлигига озуқа сарфи кескин камаяди.

Ўтган йили Италияда бўлиб, катта таассурот билан қайтдим. У ерда чорвачилик яхши ривожланган. Қора ола зотга мансуб сигирлардан бир йилда ўртача 6.700 килограммдан сут соғиб олинади, бу биздаги ўртача кўрсаткичдан 3 марта кўпдир. Айрим фермерлар 11.000 килограммдан ортиқ олишар экан. Ҳатто бир йилда 15—16 минг килограмм сут берадиган жониворларни кўрдик. Уларнинг тирик вазни 750—800 килограмм келади. Булар наслчилик ишининг яхши ташкил қилинганлиги ва озуқанинг мўл-кўллиги ҳамда сифатлилиги туфайлидир. У ерда йил давомида сигирларга кўк ўт берилмайди, бир хил озиқлантирилади. Шу усулни бизда қўллаш керак, озуқа кўп тежалади. Тажрибани хўжаликларга тавсия қилгандик. Лекин биринчи даврда кўк озуқадан қуруққа ўтган говмишнинг маҳсулдорлиги озгина пасайгач, яна эски усулга ўтиб олишди. Бундан қўрқмаслик керак, кейин яхши бўлиб кетади. Фақат емни вақтида, етарли бериш лозим. У ерда ҳамма юмушлар тўла механизациялаштирилган. Сигирларга ҳар куни 10—12 килограмм омихта ем компьютер ёрдамида берилади. Сутнинг 60 фоизидан пишлоқ тайёрланади. Есангиз оғизга мазаси қолади.

Чорваси ривожланган мамлакатларнинг биз учун қулай тажрибаларини амалда қўллаб, зотли ҳайвонларни тез кўпайтиришнинг энг мақбул усули — сунъий уруғлантиришга жиддий эътибор бермоқдамиз. Бу жуда нозик юмуш. Шуни эътиборга олиб мутахассисларни ўқитиш, малакасини ошириш билан жиддий шуғулландик. Кадрлар қўнимсизлигига барҳам бердик.

Вилоятдаги барча хўжаликларда мавжуд сунъий урчитиш пунктларини қиш даврида буғ билан иситишни таъминладик. Ривожланган мамлакатларда қўлланаётган илғор усул — ректоцервикални жорий қилдик. 1992 йилда барча сигирларнинг 70 фоизи шу усулда урчитилди.

1993 йилдан ишни шартнома асосида ташкил қилдик. Унга асосан ходим ўз вақтида урчитилган ҳар бир жонивор учун камида 100 сўм, бузоқ туғилгандан кейин ҳам 100 сўм ҳақ олади. Йил охирида режадан ортиқ олинган бузоқларнинг бир қисми натура ҳолда ўша чорвадорга мукофот сифатида берилади. Демак, бундан икки томон ҳам яхшигина манфаат кўради.

Бултур вилоят бўйича ҳар 100 бош сигирдан 85 тадан бузоқ олдик. Бу умуман ёмон кўрсаткич эмас. Лекин нима учун 100 бошдан 100 та бузоқ олинмаслиги керак, деган савол бизни ташвишлантирмоқда. Хўжаликлар, туманларни таҳлил қилсак, улар орасида катта фарқ бор. Қолоқларни аниқлаб уларнинг хатоларини тузатиш устида жиддий ишлаяпмиз. Агар келгусида ҳар 100 бош сигирдан камида 90 бошдан бузоқ олсак, бу вилоят бўйича қўшимча 1.500 бош жонивор дегани. Шундан, айтайлик, 300 боши чорвадор-техникларга мукофотга берилса, хўжаликларга 1200 бош мол қолади. Агар унинг ҳар бири 400 килограммга етказиб сўйилса, тирик вазнда 480 тонна гўшт бўлади.

Жойлардаги мутахассислар билан биргаликда подадаги энг яхши сигирларни аниқлаб, насл тўдасини яратяпмиз. Улар ҳозирча 12 минг бошни ёки умумий сигирлар подасига нисбатан 40 фоизни ташкил этади. Шундай қилинса, бора-бора четдан ғунажин сотиб олишга ҳожат қолмайди. Кези келганда шуни таъкидлаш керак, ўзимиздаги урғочи бузоқларни тўғри парвариш қилсак, улар четдан келтириладиган моллардан асло қолишмайди. Аммо бу имкониятни ҳисобга олмай, четдан ғунажин олишга интиладиган раҳбарлар оз эмас. Уларга сабоқ бўлсин деган мақсадда ҳозир вилоят бўйича 38 та хўжаликда наслчилик ишларини назоратга олганмиз. Шулардан бири наслчилик хўжалиги, 12 таси наслчилик фермасидир. Уларда ҳар йили 600 бошдан ортиқ зотли ғунажин етиштириб хўжаликларга тарқатаяпмиз. Бироқ бу жуда оз.

Республикада чорвачиликни ривожлантириш деганда баъзилар давлат ва жамоа хўжаликлари ихтиёридаги молларни қўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини оширишни тушунишади. Аслида аҳоли чорваси муаммоларини ҳал этмай туриб, мўл-кўлчиликка эришиб олмаймиз. Эртани олдиндан кўрган республикамиз раҳбарияти белгилаган қатор ҳаётбахш тадбирлар айни муддао бўлди. Жумладан, республика Президентининг 1990 йил 10 майдаги фармони айни пайтда чиқди. Аҳоли қўлидаги молларнинг зотдорлиги билан илгари ҳеч ким шуғулланмасди. Фермонда аҳолига зотли мол сотиш ва 5—6 йил ичида улар қарамоғидаги ҳайвонларнинг наслини яхшилаш вазифаси қўйилган. Биз бу муҳим тадбирни тўғри тушуниб, амалда тезроқ бажариш учун вилоятдаги барча колхоз-совхозларда аҳоли хонадонларидаги чорва ҳайвонларига зооветеринария хизмати кўрсатадиган, уларни сунъий уруғлантирадиган пунктлар ташкил қилдик. Кераксиз ётган биноларни таъмирлаб, жиҳозладик, кадрларни ўқитдик, ўргатдик.

Дастлаб техник-урчитувчиларга наслчилик бирлашмаси фойдаси ҳисобидан маош тўлаб турди. Вилоят ҳокими 1992 йил майида махсус қарор чиқарди. Республика ташкилотининг тавсиясига асосан 1991 йилда ким аҳоли молидан бир йилда 1000 бошни урчитиб берса, шартнома тузишни эълон қилдик. Шартномага биноан енгил машина биркитиб қўйишни, агар 1000 бош урчитса йил охирида яна 4 йил ишлаб бериш шарти билан енгил машинани давлат баҳосида ўзига фойдаланиш учун сотилишини эълон қилдик. Биринчи бўлиб Тўрақўрғон районидан ёш ветврач Каримжон Кўканов ишга дадил киришди. Шартномага беками-кўст амал қилди ва машинани олди. Ҳозир ҳам ҳар ойда аҳолининг юзлаб молини уруғлантирмоқда.

Эндиликда Каримжоннинг издошлари кўпайган. Поплик Тўраев, учқўрғонлик Кийиков, чортоқлик Тўхтасиновлар шартнома тузишди. Лекин бозор иқтисодиёти бунда ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Биз 1990—1991 йилда бир бош молни урчитгани учун аҳолидан 10 сўм олардик, бундан 5 сўми иш ҳақига, 5 сўми уруғ учун кетарди. Ҳозир бир бош молни урчитиш камида 300—350 сўмга тушмоқда. Қишлоқ аҳолиси учун бу оғир. Шунинг учун аҳоли молини пунктга олиб бормай, зотсиз, текширилмаган буқаларга қўшмоқда. Бу муҳим иш сўниб қолмаслиги учун мутахассисларнинг таклифларини инобатга олиб вилоят ҳокими 1992 йил декабрида қарор чиқарди. Бунда ўз ҳудудидаги аҳоли чорвасига зооветеринария хизмати кўрсатиш учун биттадан штат ажратиб, унга маош тўлаш барча жамоа, давлат хўжаликлари, тегишли ташкилотларга топширилди. Ҳозир кўпчилик пунктларда иш жонланган. Айрим хўжаликлар ўз ҳисобидан аҳоли молларини бепул сунъий уруғлантириб бермоқда. Амалдаги йилда аҳоли молидан 15 минг бош урчитиш режалаштирилган. Бу 1992 йилга нисбатан 1,5 баробар кўп. Лекин натижалар ҳали мақтанадиган даражада эмас.

Энди яна бир муаммо ҳақида. Илтимос қилардимки, наслчилик соҳасида ишлаётган мутахассисларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида махсус қонун чиқарилса. Оддий бир ҳақиқат: ҳозир кўчада ким кўп —қассоб кўп. Қассоб бозордан ёки хонадондан ёш сигир, зотли ғунажинни сотиб олади-да, ҳатто унинг бўғозлигига қарамай сўяди. Унга арзонга тушса бас. Ёки айрим хўжалик раҳбарлари учун давлатга гўшт сотиш зарур бўлиб қолса, тайёр мол бўлмаса, зоотехникка топшириқ беради. У эса сигирлардан ажратиб «яроқсиз» деб акт қилади ва уларни гўштга топширади. Буларга чек қўйиш учун наслчилик инспекторининг ҳеч қандай ҳуқуқи йўқ.

Наслчилик хўжаликларига раҳбарликни республика наслчилик идорасига бериш керак. Ривожланган мамлакатлардан тажриба ўрганишимиз, замонавий техника, технология сотиб олишимиз даркор. Масалан, сигир сутидаги мой ва оқсил миқдорини кислотасиз тез аниқлайдиган асбоб ҳеч қаерда йўқ. Эски усул сермеҳнат, харажати катта. Айниқса сульфат кислотасини етказиб бўлмайди. Қолаверса, биз чет мамлакатлардан зотли ғунажин сотиб олишдан аста-секин зотли буқа уруғи ёки тирик буқа ва музлатилган тайёр эмбрион сотиб олишга ўтишимиз лозим. Шунда кўпгина оворагарчиликлар барҳам топади. Ҳанузгача 3 тонна шротга бир бош мол олмоқдамиз.

Лекин асосий муаммо озуқа масаласидир. Ерлари ўзлаштириб бўлинган вилоятимизда синчиклаб ўрганилса озуқани кўпайтириш, сифатини яхшилаш имконият топилади. Мен бу ҳақда вилоят газетаси саҳифаларида ўз фикримни баён қилганман. Келинглар, енгни шимарайлик, чорва учун озуқани кўпайтиришга, унинг сифатини яхшилашга ҳаммамиз ҳаракат қилайлик. Шунда маҳсулот кўпаяди, дастурхонимиз тўкин-сочин бўлади. Шу ўринда бир гапни алоҳида таъкидламоқчиман: у ҳам бўлса озуқа экинларни уруғчилигидир. 1979 йилда республикада озуқа экинлари илмий-тадқиқот институти очиш масаласи кўтарилган эди. Лекин тавсия қолиб кетди. Ҳозир бу муҳим иш билан жуда кўп муассасалар тарқоқ ҳолда шуғулланади. Натижа эса кўринмаяпти. Истагим, юқорида куюнчаклик билан кўтарилган масалалар ижобий ҳал этилса.

Ф. ҚАМБАРОВ,
Наманган вилояти чорва наслчилиги бирлашмаси директори.

КЎҲНА КОРХОНАНИНГ ТУРФА МАҲСУЛОТИ

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳақида гап кетгудек бўлса, беихтиёр кўпчиликнинг кўз олдига селитра келади. Унинг оқибатлари эса маълум: фойдаси ҳам, зарари ҳам ўзига етарли. Гап шундаки, ундан маромида фойдаланилса, ернинг ҳосилдорлигини оширади. Қуюшқондан чиқилганда эса тупроқ унумдорлигига аста-секин салбий таъсир ўтказиб, тупроқнинг қаттиқлик ҳолатини тезлаштиради. Бунда ер селитрага тўйинган, охир-оқибат мева-чева, сабзавотлар орқали инсон организмидаги нитрат ҳисобини кўпайтирган ҳолда айрим касалликларни келтириб чиқаргани ҳам сир эмас. Энг ёмони — Навоий шаҳрининг экологияси бузилгани ҳам, оқова сувлар таъсирида дарё сувининг заҳарланиши ҳам бирлашманинг ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқдир.

Балким йиллар ўтиб бу асоратлар тугатилар, лекин қанча-қанча йўқотишлар ўша даврнинг аянчли хотираси бўлиб тарихда қолади. Негаки, селитра энг аввало зурриётга заҳмат етказди. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳамма нарсани марказ ҳал қиладиган бир даврда, буйруқбозлик шароитида барибир ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмасди. Яккаҳокимликнинг мустаҳкам занжир-силсиласи чамбарчас боғлиқ бўлиб берилган ҳар бир кўрсатма сўзсиз бажарилиши амри вожиб эди.

Энди у йиллар мозийга айланди. Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигига эришди. «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам давр тақозоси билан янгиликлар вужудга келди.

Навоий вилоят ҳокимлигининг ходими Ислом Сахатов билан йўлга тушганимизда осмонни булут қоплади. Ҳаво анча салқин. Негадир бу ерда табиат таровати унча йўқдек. Дарахтлар, мевали боғ-роғлар камлиги сабабли шундай туюлдими, билмадим. «Навоийазот» корхонаси қувурларидан чиқаётган тутун дилингизни хира қилмай иложи йўқ. Улуғ бобокалонимиз номи билан аталувчи бу шаҳарда экология масаласи бозор иқтисодиёти нинг тақчилликлари баҳонасида парда ортида қолдиримкан,деб ўйлайсиз. Аслида ҳам шундайга ўхшайди. Шу ерда ўзимизнинг мутахассигина фикримизни, мулоҳазамизни айтиб қўйишни лозим топамиз. Вилоят, қолаверса шаҳар ҳокимлиги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларига жиддий эътибор бермоғи керак. Ахир, ҳар қандай шаҳар қиёфасини фақат корхонаёки баланд-баланд бинолар эмас, балки унинг оғушидаги гўзал манзаралар ҳам белгилайди. Буни унутмаслик керак.

Ниҳоят, манзилга етиб келдик. Бирлашма бош директори В. С. Крупин халқ истеъмоли моллари бўлими фаолияти билан танишишга таклиф этди. Ичкарига киришда яна бир нарсага таажжубландик. Негаки, рухсатнома ёзиб берувчилар давлат тилимизда оддий, кундалик муомилани ҳам билишмас экан. Хатто «Мухбир» — это что такой?» қабилидаги савол ҳам ўша ерда берилди. Тилимиз давлат мақомини олганига уч йил бўлди. Мазкур корхонада бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўришмаганга ўхшайди.

Бизни тамоман бошқа нарса хушнуд этди. Халқ истеъмоли моллари бўлими мудири, изланувчан, мутахассис Баҳодир Шарипов бу ердаги иш жараёни билан таништираркан, ҳар бир дастғоҳнинг оддий мурувватлари — бурагичларигача нимага хизмат қилишини батафсил тушунтириб беришлари, ишчилар билан ширин муомаласи, ишнинг суръат ва сифати ҳақида теран мулоҳазалар юритиши диққатимизни тортди. Ташкилотчи ва тадбиркорлиги, айниқса, бўртиб кўринди.

Бўлимда ишлар яхши ташкил этилган. Ишчиларнинг кайфияти аъло.

— Айниқса, йўғон йигирувдан ингичка сунъий толага ўтилиши бўлимимизда ишнинг самарадорлигини оширди, — дейди Б. Шарипов. — Бу эса, ўз-ўзидан аёнки, бозор муносабатлари шароитида маҳсулот мўллигини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Манфаатдорлик ҳам маҳсулот ҳажмига ва сифатига бевосита боғлиқ.

Рамазон Нажмидинов бу ерда олти йилдан буён меҳнат қилади. Икки нафар фарзанднинг отаси. Ҳар ойда 20 минг сўмгача маош олаяпти. Унинг айтишича, бу сунъий ипларни шу ернинг ўзидаёқ газламага айлантириш имконияти бор. Экспортга ҳам яроқли. Чет эл тўқув дастгоҳларига мослашган ингичка тола фақат туйилиб қолмаслиги, сифатли чиқиши учун ишчи чаққон бўлиши керак. Кунига бу тармоқда 350 килограммдан маҳсулот тайёрланаётган экан, бу салмоқни тағин ҳам ошириш мумкин.

Бозор шароитида хўжалик юритиш

— Мен йигувчилар бригадаси бошлиғиман, —дейди Лидия Косерева.— Ўн уч йилдан буён ишлайман. Бу ерга ишга келганимда ҳали бундай мосламалар қаёқда эди, дейсиз. Барча ишлар қўлда бажариларди. Эндиликда бўлимимиз замонавий ускуналар билан бойиб бормоқда. Хуллас, ишларимиз ёмон эмас. Яқинда нитронни текисловчи, тарошловчи ускуналар ишга тушди. Бу ускуналарни Тошкент тўқимачилик машиналари корхонаси тайёрлаган.

Ишчиларимизнинг маданий-маиший шароити яхши. Ошхона қурилиши жадал олиб борилаяпти.

Корхонада ўз ишининг фидоийлари кўпчиликни ташкил этади. Ишчилардан Т. Холов, Ф. Баракаева, М. Турдиева, тармоқ бошлиғи В. Зюба, чилангар В. Римизов, унинг умр йўлдоши, ишчи Л. Римизова, тикиштўқиш тармоғи бошлиғи А. Паномарёв ҳамда бошқаларни шу ўринда тилга олиб ўтиш жоиз. Уч йилдан буён тўқиш тармоғида меҳнат қилаётган Феруза Қаршиева ҳали ёш ишчи. Илғорлардан қолишмайди. У ҳар куни 100 метргача мато тўқиб, малакасини оширмоқда. Уни даврада суҳбатга чорладик.

— Тикувчиликка ихтисослашган 2-ҳунар билим юртида ўқиб, шу ерга ишга келдим. Ажойиб касб эгаси бўлаётганимдан ота-онам ҳам хурсанд. Ойида 18-20 минг сўм маош олаяпман. Бу оиламиз дастурхонига барака қўшаяпти. Корхонамиз тушлик учун ҳар ойга 2,5 минг сўм қўшимча ҳақ тўлайди. Бундан ташқари озиқ-овқат маҳсулотларини ва қурилишга керакли ашёларни арзон нархда оламиз.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бу ерда нитрон ингичка ва йўғон ҳолда йигирилиб, кейин ўз навбатида газлама тармоғида маҳсулотга айлантирилади. Ҳозир бир кунда 1000 метр атрофида тайёр газлама ишлаб чиқарилмоқда. Ундан диван ва автомобилларга қоплама, эркаклар учун шим, қалин тўшама ҳамда бошқа эҳтиёжларда фойдаланиш мумкин. 108-сон тўқиш-тикиш тармоғида эса алоҳида рангли ҳолда аёллар жемпери, болалар устки кийимлари тўқилади. Маҳсулотлар тури ранг-баранг. Бу ерда патли гилам ҳам тўқилмоқда. Қўли гул чеварлар эса ўз ишидан мамнун.

— Маҳсулотлар сифати— корхонамиз қиёфаси,— дейди Баҳодир ака биз билан ҳамроҳлик чоғида, —Айни бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш — кони зарар. Биз фақат аъло сифатли маҳсулотларимиз билан истеъмолчиларни ҳушнуд этиш ниятидамиз.

Корхонада амалга оширилаётган анча-мунча хайрли ишлар билан танишгач, корхона бош директори Вячеслав Сергеевич билан бафуржа мулоқотда бўлдик. У «Ютуқларимиз ўз йўлига, барибир у бизники», дегандай, муаммоларга кўпроқ тўхталди. Директор суҳбат чоғида шуларни алоҳида қайд этди:

— Умуман айтганда, харидорларимиз биздан 2 миллиард 360 миллион сўм қарз. Хом ашё харид қилишга ва ишчиларимизга ўз вақтида маош ажратишга имкон бермаётган сабаблардан бири шу. Бизнингча, республикадаги жамоа ва давлат хўжаликлари иқтисодий жиҳатдан камқувват. Чет элдаги шерикларимиз эса аввал пул ўтказиб, сўнг хом-ашё олишимизни айтишади. Муаммолар етарли.

Чунончи, корхона Туркияга тола жўнатиб, эвазига у ердан нитрон учун махсус пичоқлар, Хитойдан каустик қоплар, карбидкальций ва бошқа шунга ўхшаш кўп нарсалар олади. Булар ҳам корхонанинг иқтисодиёти, дунё харитасидаги қамрови, алоқаси ошиб бораётганлигига ишорадир.

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашга, ишчиларга қулай шарт-шароитлар яратиб беришга шу куннинг талаби даражасида аҳамият берилмоқда. Корхона тасарруфида 11 та болалар боғчаси ишлаб турибди. Болаларнинг 3 та дам олиш оромгоҳи, даволаш ва дам олиш санаторийси, 2 та кинотеатр, «Ширин» маданият саройи, «Кимёгар» ўйингоҳи, шу номда меҳмонхона, бирлашманинг қўшни Қирғизистондаги «Иссиққўл» дам олиш маскани, 6 та ётоқхона 11 мингдан зиёд ишчи ва мутахассисларнинг беминнат хизматида. Корхона 3 та мактабни ўз оталиғига олган.

Не бахтки, бир пайтлари атроф-муҳитга экологик зарар келтираётган бу бирлашма эндиликда ўз мақомини эзгулик томон ўзгартириб, кенг миқёсда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга мослашиб бормоқда. Бунда, албатта, мустақилликка эришган Ўзбекистонимизнинг шарофатли ўрни бор. Корхонанинг нуфузи янада ошиб боришига тилакдошмиз.

Тўлқин ЁРҚУЛОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Набижон Ғанибоев икки йил муқаддам давлатдан 20 минг сўм қарз олиб, ўзи яшаётган Оқолтин районидаги С. Сиддиқов номли совхозда фермер хўжалиги ташкил этди. Тадбиркор чорвадор парваришида ҳозир 12 бош қорамол бор. Аксарияти сўқимга боқилаётган жониворлардир. У амалдаги йилнинг шу давригача давлатга бир тоннадан зиёд гўшт топширди.

СУРАТДА: фермер Н. Ғанибоев.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.



БАҲОНА ЭМАС, ИШ КЕРАК

Янги рўзғорнинг ўзига яраша ташвишлари бўлади. Самарқанд районидан ажралиб чиққан Тойлоқда муаммолар анчагина. Сигирлардан сут соғиб олишни кўпайтириш мақсадида озуқадан тежаб-тергаб фойдаландик. Илгари ўрта ҳисобда ҳар говмишдан 2.937 килограммдан сут соғиб олинганди. Тармоққа муносабат ўзгарди. Озуқабоп экинлар парваришига эътибор кучайтирилиб, ундан юқори ҳосил етиштирилди, сигирлардан соғлом бузоқ олишга эришилди.

Районда 8.081 гектар суғориладиган майдоннинг 3.439 гектарида озуқабоп экинлар ўстирилаяпти. Бир бош шартли мол ҳисоббига камида 20 центнер озуқа бирлиги жамғариш ражалаштирилган. Дастлабки натижалар чаккимас.

Маълумки чорвачилик билан бир қаторда бизда сабзавотчилик, узумчилик, мевачилик, ғаллачилик асосий тармоқлардан саналади. Шунинг учун ем-хашак экиладиган майдонларимиз оз. Бултур Ғаллаоролдан 700 тоннадан зиёд сомон келтирилди. Бу йил қўшни районлардан озуқа сотиб олмаслик мақсадида 2.200 гектар майдонда арпа ва буғдой, 473 гектар ерда оралиқ экинлар парвариш қилинмоқда. Бу районда дон, сомон, озуқа ўтган йилга қараганда анча кўп бўлади, деганидир.

Рақамларга эътибор қилайлик. Дастурхонимиз тўкин бўлиши учун ҳар бир чорвадор тиним билмаяпти. Бултур 6.900 тонна ўрнига 7.241 тонна сут етиштирилди. Ёки ҳар бир говмишдан олинган сут 3.133 килограммданга тўғри келди. Гўшт 950 тонна ўрнига 979,6 тонна бўлди. Гўштга топширилган қорамолнинг ўртача тирик вазни 559 килограммни ташкил этди.

Айни кунларда хўжаликларда фаолият юритаётган чорва мутахассисларининг аксарияти ишбилармон, ташаббускор ёшлардир. Улар илғорлар тажрибасидан, фан ютуқларидан яхши фойдаланишяпти. Раҳматулла Саидназаров номидаги совхоз-завод бош зоотехниги Комил Йўлдошев, Амир Темур номли давлат хўжалиги бош зоотехниги Нарзулла Рустамов, Улуғбек номли жамоа хўжалиги бош зоотехниги Саъди Солиевлар ана шундай фидойилардир.

«Боғизоғон» давлат хўжалигида тармоқни ривожлантиришнинг синалган усулларидан унумли фойдаланилмоқда. Натижада маҳсулдорлик тобора ортиб бораяпти. Амир Темур номли давлат хўжалигида бир йил ичида ҳар говмишдан олинган маҳсулдорлик кескин ортиб, 3.300 килограммга етди. «Зарафшон» давлат хўжалиги бўрдоқибоқарлари эришаётган натижалар ҳам барчани қувонтирмоқда. Кушхонага ўтказилаётган ҳар бир сўқимнинг ўртача тирик вазни 560 килограммни ташкил этаётганлиги фикримизнинг далилидир. Улуғбек номли совхозда наслчилик ишлари жонлантирилди. Бузоқ олиш режаси сурункасига ортиғи билан бажарилиб, 99 фоизи сақлаб қолинаяпти. Айни кунларда ана шу илғор хўжаликларда озуқа экинларини намунали парваришлаш, маҳсулдорликни ошириш борасида қўшимча тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, хонадонлардаги моллар бош сони ортиб бораяпти. Аҳоли ортиқча чорва маҳсулотларини давлатга сотмоқда. Бу ҳозирги иқтисодий қийинчилик даврида оила бюджетини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаяпти.

Ҳозир район хўжаликларида 5.900 бош қорамол парвариш қилинмоқда. Шу жумладан, сигирлар 2.281 тани ташкил қилади. Бундан ташқари 1.451 чўчқа, 372 йилқи, 356 қўй бор. Бу йил 7.400 тонна сут, 1050 тонна гўшт етиштиришга аҳд қилганмиз.

Сўнгги ойда ўтган йилга нисбатан ҳар сигир ҳисобига 30 килограммдан кўп сут соғиб олинди. Сигирсоғарлар ўртасидаги меҳнат беллашувида Гулсара Бозорова, Майсара Султонова, Майсара Самадовалар пешқадамликни қўлдан беришмаяпти.

Районда сут, гўшт етиштиришда сезиларли силжиш бор. Бу албатта қувончли. Лекин ҳамма хўжаликларда ҳам бир хил натижага эришилаяпти, деб бўлмайди. «Элипок» ижара хўжалиги сут етиштиришда орқада. «Карпат қўнғир» зотли говмишлар гўшт етиштиришга мослашган. Аммо бош зоотехник Абдусамад Аъзамов ва бошқа мутахассисларнинг бепарволиги оқибатида қолоқлик домига тушиб қолишди. Улуғбек номли жамоа хўжалигида Голландиядан келтирилган қора-ола зотли серсут говмишлар асралмоқда. Ҳар сигирдан йилига 3900 килограммдан маҳсулот олинмоқда. Бу кутилганидан оз. Мўл ва сифатли озуқа жамғариш, ундан тежаб-тергаб фойдаланиш, ички имкониятларни ишга солиш кўнгилдагидек бўлмаётганлиги сабабли ишда силжиш бўлмаяпти.

Илгари режани бажариш учун аҳолидан зўр бериб чорва маҳсулотлари йиғиштириларди. Энди эса ихтиёр одамларнинг ўзида. Белгиланган маҳсулотларни етиштириш учун хўжаликларнинг имконияти етади. Яна бир масала, эндиликда чорва маҳсулотларини ўзимизда қайта ишлашга эътиборни кучайтираяпмиз. Зеро иқтисодиётни юксалтирмай туриб мақсадга эришиб бўлмайди. Нарх-навонинг ошиб бораётганлиги биз — мутахассисларни ҳам жиддий ўйлантирмоқда. Яқдил фикр шу: баҳона ахтармай муаммоларни ўз кучимиз билан ҳал этишимиз даркор.

М. МАСТОНОВ,
Тойлоқ районидаги деҳқончилик-саноат комбинати директори ўринбосари.

ҲАЛЛО СОҲАДАГИ ЎЗ СОҲОБОНИ БЎЛ

«ОРЗУ» ГУРУЧИЮ «ПАРВОЗ» ПАРРАНДАСИ

Музработ райони марказига кираверишда, йўлнинг чап томонидаги бўм-бўш турган бино ҳунар-техника билим юртига тегишли эди. Район шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари иттифоқига эса худди шунидай бино ҳаводек зарур. Хуллас ҳунар-техника билим юртидан бу бино ижарага олиниб «Орзу» кичик корхонаси ташкил этилди. Кичик корхона директори Холбой Йўлдошев, унинг муовини Альберт Хен биноданоқжувоз, яъни шолини оқлайдиган цех сифатида фойдаланишга қарор қилишди. Кунига ўн тоннагача шолини оқлайдиган цех ускуналари келтирилди. 850 минг сўмлик бу ускуналар 1992 йил охирида ўрнатилди.

Музработ районида учта шоличиликка ихтисослашган ширкат ва жамоа хўжалиги бор. Шоликорларга ҳар йили режани бажарганликлари учун ҳосилнинг бир қисми мукофот тарзида тарқатилади. Шоликорлар хўжаликдаги кавқувват оқжувозда ҳийла вақт навбат кутиб қолишарди. Уларга бироз бўлсада, қулайлик яратиш мақсадида ана шундай ҳайрли ишга қўл урилди. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлмоқда. Кейинги икки ярим ой давомида тармоқда икки юз тоннадан зиёд шоли оқланди. Эндиликда кичик корхона Музработ районидангина эмас, балки вилоятнинг қайси бурчагидан бўлса ҳам, шоли келтирганларни очиқ чеҳра билан кутиб олмоқда. Шоли тарозида тортиб олинади. Масалан, бир тонна шоли келтирилса, ундан 100 килограмми тегирмон хизмат ҳақи сифатида олиб қолинади. Кичик корхонада уч киши ишлайди.

— Йил охиригача сарф-харажатларни тўла қоплаб, фойдага ўтишни кўзда тутаяпмиз, — дейди Холбой Йўлдошев. — Тегирмон ҳақига берилаётган гуручни бозор баҳосидан 20 фоиз арзон сотамиз. А. Икромов номли жамоа хўжалигидан ижарага 30 гектар ер олдик. Ҳозир у ерни шоли экишга тайёрладик. Яна ўн беш гектар ерда мевали боғ ташкил этаяпмиз. 20 қути асалари олдик. Ун тегирмонимиз бор. 1992 йилни 1,4 миллион сўм соф фойда билан якунладик, айни пайтда ҳисобимиздаги 450 минг сўм маблағдан ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришда фойдаланишни режалаштирдик.

«Парвоз» кичик корхонасида эса жўжа очиб чиқарилмоқда. Шу пайтгача фақат Ч. Қувондиқов номли давлат хўжалигида инкубация бор эди. Район хўжаликлари бошқа районлардан жўжа харид қилишар, унинг бир қисми йўлда нобуд бўларди. «Парвоз» эса уларнинг мушкулини енгил қилмоқда. У шартнома асосида тухум сотиб олиб, жўжа сотади. Масалан, битта жўжа хўжаликларга 66 сўмдан, аҳолига 50 сўмдан берилмоқда. Корхона бир навбатда 45 мингтагача жўжа чиқариши мумкин. Кичик корхона ёнида жўжахона қурилиши бошланди. А. Икромов номли жамоа хўжалигидан 12 гектар ер ижарага олинди. Бу ерда ҳозир арпа ўстириляпти. Арпа ҳосили йиғиштириб олингандан сўнг, маккажўхори экилади. Парандаларга озуқа тайёрлашда эса «Орзу» кичик корхонаси яқиндан қўмаклашмоқда.

— Президент фермонига мувофиқ шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари иттифоқи тузилгач, ихтиёримизга икки миллион сўм маблағ берилди, — дейди иттифоқ раиси Ҳ. Муродов. — Биз маблағдан асосан ишлаб чиқаришни ташкил этиб, маҳсулотни кўпайтиришни мақсад қилдик. Ҳозир бешта кичик корхона ишлаб турибди, «Парвоз» кичик корхонаси жўжа ўстиришни йўлга қўйса, яна қўшимча йилига 1,2 миллион сўм соф фойда бериши мумкин. Энг муҳими эса аҳолини нисбатан арзонроқ жўжа билан таъминлаяпмиз.

Президент фармонидан сўнг райондаги 3500 гектар суғориладиган ер томорқага ўлчаб берилди. Бугунги кунда томорқаларда мевали дарахтлар ўсаяпти, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштирилаяпти. Биз уларнинг аксарияти билан шартномалар тузганмиз. Бултур аҳолидан сотиб олинган маҳсулотдан минг тоннасини Россия шаҳарларига товар айирбошлаш йўли билан сотдик, аҳолига шифер, ёғоч, дераза ойналари олиб келиб, ўн фоиз арзон баҳода сотдик.

Бир сўз билан айтганда шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари иттифоқи 1,5 миллион сўм соф фойда кўрибди. Томорқа эгалари эндиликда ортиқча маҳсулотлари исроф бўлишидан чўчишмайди, шартнома асосида сотишади, пулига ўзлари истаган қурилиш материалларини олишади. Албатта, булар Президент фармонининг илк меваларидир.

Б. КЕНЖАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

МУҚАДДАС АРАФА

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм!

Қурраи заминимиз мўмин мусулмонлари Аллоҳ Таоло томонидан фарз қилинган бешта амалнинг бири Рамазон ойида рўза тутдилар.

Шундан сўнг қутлуғ байрам Рамазон ҳайити (ийди-ал-фитр)ни нишонладилар. Мана бугун Ислом аҳлининг шодлик ва хурсандчилик кунларидан бири бўлган ийди қурбон ҳайитини нишонлаш арафасида турибдилар. Ийди қурбон қай тарзда юзага келган, деган савол туғилиши мумкин.

Мусулмонларнинг муқаддас жойи, Каъба қуриб битирилгач, Расулуллоҳ уни мўмин мусулмонларнинг ибодат жойига айлантирди. У бир куни ухлаб ётган пайтида:

— Тур Каъбани қуриб битирдинг, энди шукронасига қурбонлик қил, — деган башорат бўлди.

Иброҳим алайҳис-салом уйқудан уйғониб, Каъбага уч юз қўй келтирди, қурбонлик қилиб халққа тарқатди. Яна фармон бўлди:

— Тур, бундан ҳам яхшироқ қурбонлик қил.

У уч юз туяни қурбонлик қилди ва халққа едирди.

Нидо келди:

— Энг севган нарсангни қурбонлик қил.

Иброҳим деди:

— Жигаргўшам Исмоилни яхши кўраман.

Нидо келди:

— Уни қурбон қил.

Иброҳим хотини Хожарнинг қошига келди ва деди:

— Исмоилнинг бошини юв, бошдан оёқ яхши кийимлар кийдир, дўстнинг уйига олиб бораман.

Биби Хожар Исмоилнинг бошини ювди, сарпо кийгизди ва деди:

— Илоҳим, Исмоилни бизга меҳрибон қилибсан, фарзандим отаси билан боради, ўғлимни сенга омонат топширдим, ўз қудратинг билан менга яна соғу саломат етказгил.

Шундан сўнг Иброҳим ўғли билан тоққа боради ва Исмоилни қурбонликка сўймоқчи бўлади. Энди бўғизлайман, деб турганида Аллоҳнинг амри билан Жаброил алайҳиссалом келиб бу ишга йўл қўймаган. Аллоҳ Таолонинг амри билан Исмоилнинг ўрнига жаннатдан бир қўй келтириб, уни қурбон қилмакликка буюради. Шундан сўнг Иброҳим алайҳиссалом ўғилларини озод қилиб, унинг ўрнига ўша қўйни қурбон қиладилар. Шу тариқа ийди Қурбон кунида қурбонлик қилмоқ аҳли исломга Иброҳим алайҳиссаломдан қолган амал бўлиб қолди.

Кўпинча қурбонлик учун нима сўйиш керак. Сўйиладиган қурбонлик қандай бўлиши керак, деган савол кўпчиликни қизиқтиради.

Қурбонликни аввало ўзига тўқ, бойлиги етарли киши қилиши керак. Агар киши амал-тақал қилиб қурбонликка мол олиб сўйсаю, кейинчалик турмуши қийинлашиб қоладиган бўлса бу амални бажариши шарт эмас.

Қурбонликка аталган ҳайвон ийд қурбон намози ўқилгандан сўнг сўйилади. Ўша куни сўйилмаса ҳайитнинг иккинчи ва учинчи кунлари сўйилса ҳам бўлаверади. Лекин ҳайитнинг учинчи куни қуёш ботгандан сўнг сўйилган ҳайвон қурбонликка ўтмайди.

Одатда қурбонлик учун қўй, эчки, қорамол, туя каби туёғи жуфт бўлган ҳайвонлар сўйилади. Товуқ, хўроз, ғоз, от каби ҳайвонларни қурбонликка сўйиш мумкин эмас. Қўй, эчкини бир одам қурбонликка сўйиши жоиздир. Қорамол, туяни бир кишидан то етти кишигача қўшилиб қурбонлик қилса бўлади. Бунда сўйилган мол гўшти тенг бўлиб олинади.

Қурбонлик учун сўйилган ҳайвон гўшти аввало фақирларга улашилади, зиёфат қилинади, оила аъзолари билан тановвул этилади. Қурбонликка сўйиладиган қўй ёки эчки бир яшардан ортиқ бўлмоғи лозим. Жуссаси бир яшардек келадиган, аммо ўзи ёшроқ қўй-эчкини ҳам қурбонликка сўйса бўлаверади. Сигир, хўкизнинг камида икки яшари сўйилиши мумкин. Қурбонликка аталган туя эса беш яшар бўлиши керак.

Ниҳоятда ориқ, чўлоқ, бир ёки икки кўзи кўр, оғзида тиши қолмаган, қулоғи, думининг учдан бир қисми йўқ бўлган ҳайвонлар қурбонликка ярамайди. Қурбонлик учун оқ, кўк, қора рангли, шохи бор, ўзи катта, семиз, ҳамма аъзолари саломат бўлган соғлом қўчқор афзалдир.

Ҳайитда барча шоду хуррам, хушчақчақ юриши — уч кунни хушнудлик билан ўтказиши, қурбонликни оиласи, яқинлари, қўшнилари, қариндош-уруғлари, ёру биродарлари билан баҳам кўриш лозим.

Ушбу байрам куни одамлар либос ва бадан озодалигига алоҳида риоя киладилар. Бисотларидаги энг яхши кийимларини киядилар. Байрамона кайфият билан аҳли аёллари, ота-оналари, таниш-билишларини улуғ айём билан қутлайдилар, бетоблар ҳолини сўраб кўнгилларини кўтарадилар, фақирлар, мискинлар, етимесирлар, муҳтожлар ҳам Улуғ кунни шодлик билан ўтказишлари учун уларга кўмак берадилар.

Бу ҳақда ҳадисларда ҳам айтилган. Хусусан, Ал Ҳаким ривоят қилган ҳадисда айтилишича, Ал-Ҳасан Ас-сибут дейдиларки, Расулуллоҳ саллалоҳу алайҳи ва саллам бизни икки ҳайит байрамида бисотимиздаги энг яхши кийимларни кийишга ва энг яхши атрлар билан хушбўй бўлишга ҳамда энг қимматли нарсаларимизни қурбонлик қилишга буюрган эдилар.

Яъни бу кунлари хасислик, қўнгли торлик қилиш ярамайди. Аллоҳ Таолонинг марҳамати ила топилган бойликлардан кўпроқ муҳтожларга бериб, уларнинг ҳам байрамни шоду хуррамлик билан ўтказишларига имконият яратиш лозим. Токи уларнинг кўнгли ўксимасин, кунини яхши ўтказсин.

Ҳаммамизга аёнки халқимиз ўз истиқлолини қўлга киритгунга қадар ўтган етмиш йилдан зиёд вақт мобайнида динимиз анча сусайтириб юборилди. Натижада ҳайитларимиз имижимида ўтди. Одамлар масжидларга яширинча қатнадилар. Гап-сўзлардан чўчиб, марҳумлар руҳига дуои фотиҳа ўқишга қўрқиб қолдилар.

Тўғри, марҳумлар руҳини шод этиш керак. Аммо бунинг учун фақат ҳайитни кутиш, шодиёна кунда мозорларга бориб дуойи фотиҳа қилиш шарт эмас. Бу ишни исталган пайтда, исталган жойда амалга оширса ҳам бўлаверади.

Шунинг учун марҳум ва марҳумаларнинг уй эгалари кўчаларга жойлар қилиб, дастурхон тузаб, бел боғлаган ҳолда, ғамгин қиёфада одамларни кутиб, кузатиб қолишлари шарт эмас.

Ҳайит ҳаммамиз учун шодиёна кун экан, у қариндош-уруғ, ёру дўст, биродарларнинг ҳол-аҳволидан хабар олиб, уларни ҳамжиҳатликка чорлайдиган улуғ бир байрамдир. Аллоҳ учун юрган ва қўлидан келган яхшиликни аямаган зотлар икки дунё саодатига мушаррафдирлар. Юртимиздаги барча аҳли ислом биродарларимизни Қурбон ҳайити билан чин дилдан муборакбод этаман. Аллоҳ ўзининг ҳидояти ёғилган ушбу кунларда барчамизни хонадонимизга барокот ато қилсин. Имонда, исломда комил айласин. Ҳаммамизни соғ-саломат айлаб, махшар иноятидан баҳраманд этсин.

ҚОСИМ ҲОЖИ ҚОБИЛ ўғли, Кўкалдош мадрасамасжиди имом хатиби, мадраса бош мудири.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ **«Ҳожатбарор»** ТАРҒИБОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ

МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛ: 33-44-43, 32-54-44, 32-56-34, 32-56-25

БУЮРТМАЛАРИНГИЗ ТЕЗДА АДО ЭТИЛАДИ

Қутлов

Ҳурматли Зулҳумор НОРМУРОДОВА!

Жамоамизнинг ҳар бир аъзоси биз учун қадрли ва эъзозли. Сизнинг ҳам комбинатимиз илғор ишчиси ва кўпгина ёшлар мураббийси сифатида ҳурматингиз бисёр. Бозор муносабатлари шароитида корхонамиз меҳнат аҳли ўзига хос ютуқлар силсиласини яратиб, муаммоларни тадбиркорлик билан ҳал этаётган экан, бунда Сиздек опа-сингилларимизнинг муносиб хизмати бор. Зеро, аёлларимизни ўзбекона қадрлаш, иззат-ҳурматини жойига қўйиш — қалбимизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади.

Сизни нафақат моҳир ишчи, балки тўрт нафар фарзанднинг онаси, саришталі рўзғорнинг бахтли соҳибаси деб ҳам биламиз. Турмуш ўртоғингиз Йўлдошжон ҳам ўз соҳасининг етук ва билимдан мутахассиси, қолаверса, Сизнинг самарали меҳнат қилиб, ҳурмат-эҳтиром қозонишингизда яқиндан кўмакдош. Илоё, Сиздек меҳнаткаш аёлларимиз бахтимизга доимо омон бўлишсин!

Таваллуд топган кунингиз билан қизғин муборакбод этамиз. Сизга ва оила аъзоларингизга бахт-саодат, омонлик, боқий қувонч лаҳзаларини тилаб қоламиз!!

Мирзо Улуғбек номидаги Каттақўрғон ёғ-мой комбинати маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси.

Мубораклаймиз

Қадрли акам Баҳодир Муқимов!

Сизни барча ёр-биродарлар, қариндош-уруғлар ва қадрдонларингиз номидан қутлуғ 50 ёшингиз ва яқинда фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертацияни муваффақиятли ёқлаганингиз муносабати билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Фан йўлида, ёшларга илм бериш борасида узоқ йиллардан буён чекаётган заҳматингиз, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олий билимгоҳи трикотаж кафедраси мудири сифатидаги фаолиятингиз, шу соҳадаги изланишларингиз яхши самара бериб, кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилаётганлиги оиламизни фахрлантиради.

Оғажон! Шундай қувончли кунда узоқ умр, сиҳат-саломатлик, фан йўлида янги муваффақиятлар тилаймиз. Хонадонингизда доимо хурсандчилик бўлсин. Кенойимиз Зумрад опа, фарзандларингиз ва барча қадрдонлар даврасида олтмиш, етмиш ва ундан кейинги муборак саналарни ҳам бардам-бақувват кутиб олишингизни ният қиламиз.

Жигарингиз Болтабой САЙРАМОВ.

Ҳурматли Ўроқбой ҚАҲРАМОНОВ!

Бугун — Сиз таваллуд топган қутлуғ кунда олти нафар фарзандларингиз, умр йўлдошингиз Турдигул, дўстларингиз ва жамоа хўжалигимизнинг барча аъзолари номидан қирқ саккиз ёшингиз билан самимий муборакбод айлаймиз. Уттиз йилдан ортиқ вақтдан бери хўжалигимизда фидокорона меҳнат қилиб, шундан йигирма бир йилини шофёрлик касбига бағишлаган Сиздек меҳнатсевар инсонни жамоамизда барча қадрлайди. Доимо йўлингиз бехатар, турмушингиз файзли, оила аъзоларингиз соғу саломат бўлсин!

Иштихон туманидаги Азиз Йўлдошев номли жамоа хўжалиги бошқаруви ва хўжалик касаба уюшмаси қўмитаси.

Боғдод туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги шифо масканн бош шифокори Абдужаббор Ҳусанов ҳайрли ишларга бошқош бўлмоқда.

— Ҳар бир беморнинг бу ердан шифо топиб чиқиб кетиши —биз учун қувонч, — дейди у.

СУРАТДА: Манзурахон Маҳмудова, ўғилчаси Аброрхон билан уйга кетиш олдидан бош шифокор Абдужаббор Ҳусанов ва ҳамшира Иноятхон Қосимоваларга миннатдорчилик изҳор этмоқда: «Илоё, қўлларингиз асло дард кўрмасин!».

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

ОБИДАЛАР ТАЪМИРЛАНМОҚДА

● Навоий вилоятининг хўжалик ҳисобидаги махсус илмий-таъмирлаш ва ишлаб чиқариш устахонаси иш бошлаганига эндигина тўрт ой бўлди. Шу қисқа фурсатда 1 миллион 300 минг сўмлик иш бажарилди. Устахонанинг саккиз кишидан иборат жамоаси йил охиригача Нуротадаги Чашма музейи мажмуини ҳамда Навоий туманидаги Қосимшайх меъморий ёдгорлигини таъмирлашни мўлжаллаяпти.

ҲАМИША ЭЛ ОРАСИДА

● Пастдарғом туман маданият уйига қарашли «Дарғом таронаси» ашула ва рақс дастаси дала меҳнаткашлари ҳузурига йўл олди.

— Мукаррама Турғунбоева таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан «Рақс-93» кўрик-танловида ғолиб чиқдик. Бу галги сафаримиз шу кўрикнинг ўзига хос ҳисоботи бўлади, — дейди маданият уйи директори Уйғун Бўтаев. — Хонанда Юсуфжон Ризақулов, раққоса Жамила Абдуллаеванинг санъати томошабинлар олқишига сазовор бўлади, деган умиддамиз.

ҚЎЙ ЎҒРИЛАРИ

Атроф зим-зиё. Тун борлиқни ўз оғушига олган. Аҳён-аҳёнда итларнинг безовта ҳуруши эшитилади. Қишлоқда фақат бир уйда электр чироқлари ёниқ турибди. Супа четида эса катта қозон тўла гўшт қайнамоқда. Хона ичида тўрт барзанги болишларда ёнбошлаб суҳбат қураяпти.

— Норпўлат ака, бир кечада уйингиз қўйга тўлиб қолди, — деди ўтирганлар ичида энг ёши. —11 бош қўйни қўрадан шундай олиб чиқдик. Қойилмисиз? Энди келинойим яшириб қўйгандан олиб чиқинг.

Ҳамтовоқлар қаҳ-қаҳ отиб кулишди. Сўнг бирин-кетин дастурхонга келтирган думба ёғли қайнатма шўрвани ароқ билан мириқиб сипқоришди.

— Энди тонг отиб қолмасдан қўйларни гум қилишимиз керак,— деди бояги йигит. — Исматилла ака, тракторингизни юргизинг, танишлар бор, қўйларни сотиб келсак, сизни ҳам қуруқ қўймаймиз.

Улар ўрниларидан туришди. Уй эгаси Норпўлат Суюндиқов ўғрилардан уч бош қўйни 1500 сўмга сотиб олди. Тракторчи Исматилла Бобомуродов эса учтасини 2000 сўмга харид қилди ва ўғирланган қўйларни сотишда кўмаклашди. Хўш, ўғрилар кимлар?

Улар — илгари судланган Хайрабод қишлоғида яшовчи Баҳодир Суюндиқов билан Толиб Эргашевлар. Ҳеч қаерда ишламайдиган, ҳали 25 ёшга етмаган бу кимсалар одамларни чув тушириб, қон-қақшатиб, мунтазам ўғрилик билан шуғулланиб келишган.

1992 йил 6 февраль кечаси Баҳодир Суюндиқов билан Толиб Эргашев ўзаро жиноий тил бириктириб Н. Абдуолимов номли жамоа хўжалигининг Ёйилма қишлоғидаги бир уйга тушиб 11 бош қўйни ўғирлаб чиқишди ва Улуғбек номли давлат хўжалигида яшовчи амакиси Норпўлат Суюндиқовнинг уйига олиб бориб яшириб қўйдилар.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас. Улар орадан бир неча кун ўтмасдан, яна жиноий ишга қўл уришади. Бу гал улар Бобур номли давлат хўжалигининг Туёқи қишлоғидаги қўйхонага йўл олишади. Ярим тунда ўғрилар қўрадаги 29 бош қўйни ўғирлаб йўлга тушишди.

Баҳодир ва Толиб узоққа беришолмади. Ички ишлар ходимлари уларнинг қилмишларини рад қилиб бўлмайдиган далиллар билан очиб ташлашди. Жабрланганларнинг қўйлари қайтариб берилди.

Қўй ўғирлашга ишқи тушганлар Ш. Рашидов номли давлат хўжалигида ҳам бор экан. Улар Ўктам Комолов билан Баҳром Эшонқуловлар бўлиб чиқишди. Иккаласи ҳам илгари судланган бўлишига қарамай, тегишли хулоса чиқариб олишмаган экан. Бу икки ҳамтовоқ ўтган йил 25 август куни тил бириктириб, 10-бригада дала шийпони ёнидаги қўрадан ишчиларнинг 17 бош қўйини ўғирлашади. Улар ўша кечаси қўйларни ҳайдовчи Эркин Мирзаевнинг ГАЗ-53 маркали машинасига ортиб, шу хўжалик ишчиси Илаш Сулаймоновнинг уйига келтириб туширишди.

Эртаси куни қўйларни Фориш туманининг «Қизилқум» хўжалигида яшовчи чўпоннинг уйига вақтинча сақлаб туриш учун топшириб кетдилар. Бироқ ашаддий ўғри Ўктам Камолов ва Баҳром Эшонқуловлар фаолияти ҳам кўпга бормади. Улар одил суд олдида қилмишлари учун жавоб беришди. Албатта, ўғриларга хайрихоҳлик қилган ва ёрдам берган ҳайдовчи Эркин Мирзаев ҳамда Илаш Сулаймоновлар ҳам қонуний жазодан четда қолмадилар.

Халқимиз ўғри ўғирлаб йўлга тушар, охири бориб қўлга тушар, деб бежиз айтмайди. Аммо шу ўринда бир савол туғилади. Ўғрига ёрдам бериб, қўйларни арзонгаров сотиб олганларда виждон борми? Ахир, бугун бир биродаримизни қонқақшатган жиноятчи эртага ўзимизни шилмайди деб ким кафолат беради?! Бу ҳақда ўғирликларга ҳамтавоқлик қилишган шахслар чуқур ўйлаб кўришлари керак.

Олимжон ҲАМЗАЕВ, Жиззах тумани.

Жамғарма банки

ЗАЁМИНГИЗНИ МУАССАСАЛАРИМИЗДА АСРАСАНГИЗ БЕХАВОТИР БЎЛАСИЗ

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 февзли ички ютуқли заёмларини Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки муассасаларида сақлаш ҳар бир фуқаро учун қулай ва бехавотирдир. Ҳозирги пайтда Жамғарма банки бўлинмаларида заёмларни уларнинг эгаларидан қабул қилиб олиш давом этмоқда.

Сақлаш учун қабул этилган облигациялар заём эгасининг меросхўри ёки вориси эмаслигидан қатъий назар бир ёхуд бир неча кишига васият қилиб қолдирилиши мумкин.

Жамғарма банки муассасалари заём эгаларининг хоҳишига мувофиқ сақлаш учун қабул қилинган эркин муомаладаги заёмларни тиражлар жадвали бўйича текширадилар ва заёмларнинг эгаларига ютуқларнинг суммаси ҳақида хабар берадилар.

Сақлаш учун қабул қилинган заёмлар уларнинг эгасига ёки эгаси томонидан ишонч қоғози берилган кишига тўлалигича ёхуд қисмларга бўлинган ҳолда берилади. Заём эгасининг аризасига мувофиқ облигациялар унинг ёки у томонидан ишонч қоғози берилган шахс манзилига етказиб берилиши ҳам мумкин.

Заём облигациялари сақлаш учун уларнинг эгалари томонидан йўқлаб олиш шарти билан ёки заём муддати тугагунга қадар қабул қилинади.

Облигацияларни сақлаб туриш учун йилига заём қийматининг 0,5 фоизи миқдорида ҳақ олинади. Облигацияларни тираж жадваллари бўйича текшириш учун ҳар бир заём ҳисобига 10 тийин миқдорида ҳақ олинади.

Жамғарма банклари томонидан сақлашга қабул қилинган республика заёми облигацияларига давлат томонидан кафолат берилади.

Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки.

Бош муҳаррир Н. ЁҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҒОФУРОВ, (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, К. РИХСИЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Узплодоовощвинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари—32-56-25. Деҳқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими—32-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000096. Буюртма Г—223. 31890 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди — 22.00

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6.